КЎРМАКЛАР

Домланинг сўзи шу ерда бўлинади. Қарсиллатиб ёпилган эшикни беписанд кузатади. Шундан сўнг қўлида бир даста синов дафтарчасини кўтариб олган учаргина йигит кириб келади-да, домлага дейди:

— Мана, ҳозирча шуча йиғилди, ўн талабаники...

Домланинг кўзлари порлаб кетади, фақат ёлқинлар кўзойнак ортидан билинмайди. Синов дафтарчаларига баҳо қўяр экан, ручка парвоз қилаётгандек бўлади.

2 -бет

АЁЛ ЗИЙНАТИ — АЁЛЛИК

Йигирма ёшингда аёл учун ўлишни шараф, қирқ ёшингда аёл учун яшашни бурчим деб биласан, олтмиш ёшингда эса ўлишга ҳам, бурчингни адо этишга ҳам имону қувватинг қолмаганини туйиб ким учун, нима учун яшадим деган ўйга ботасан. Лекин жавобни фарзандларинг ва невараларинг беради.

3 -бет

ФИДОЙИЛИК ФОРМУЛАСИ

«Одам ўз танасида ишлаб чиқарадиган энергия ҳисобидан ҳаракат қилади. Ана шу ҳаракатлар комплекси яшашни таъминлайди. Хўш, ўша энергия қандай ҳосил бўлишини биламизми? Бу ёғи энди кимёвий масала: танамиздаги фосфор ҳамда спирт гуруҳининг парчаланишидан ҳосил бўладиган энергия бутун умримиз давомийлигини таъминлаб туради. Ҳам қизиқ, ҳам мўъжизавий жиҳати шундаки, кўриш, англаш, ҳис этиш жараёнларининг амалга ошиши баъзан оддий, баъзида мураккаб кимёвий реакциялар асосида кечиб ўтади.

4 -бет

Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan E-mail: hurriyat@yandex.ru № 9 (471) 2006-yil 8-mart

«HURRIYAT»га 2006 йил учун обуна йил бўйи давом этади

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Она диёримиз узра баҳор нафаси кеза бошлаган мана шу ёруғ кунларда сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март - меҳр-муҳаббат ва нафосат байрами билан самимий қутлаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Биз бетакрор юртимиз, гўзал ўлкамиз, барчани ўзига мафтун этадиган фусункор табиатимизни аёлларимизга хос бўлган қалб саховати, ҳаё ва иффат, вафо ва садоқат туйғуси билан, сабр-бардош ва меҳр-мурувват фазилатлари билан узвий боғлиқ ҳолда, буларни Оллоҳнинг ўзи бизга берган тенгсиз ва хосиятли неъматлар деб тасаввур қилишимиз табиийдир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Чиндан ҳам, Яратганнинг буюк ва беқиёс мўъжизаси бўлмиш аёл зотини таърифлаш ва мадҳ этиш учун ҳар қандай ёрқин тимсол ва ташбеҳлар камлик қилади.

Аёл деганда, кўз олдимизда авваламбор азиз ва мукаррам Она сиймоси намоён бўлади. Барчамизни юраги остида ўстириб дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган, ўзининг оқ сути, меҳр-муҳаббати билан қалбларимизга олижаноб инсоний туйғуларни сингдирган мунис оналаримизга ҳар қанча таъзим қилсак, уларни ҳар қанча улуғласак, арзийди, албатта.

Ҳозирги кунда ҳаётимизнинг қайси жабҳасини олмайлик - бу давлат ва жамият қурилиши ёки ишлаб чиқариш тармоқлари, илм-фан, маданият ва тиббиёт соҳаси бўладими, айниқса, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, миллий урф-одат ва қадриятларимизни сақлаш бўладими, оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида меҳр-оқибат, соғлом турмуш тарзи, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш бўладими - буларнинг барчасида сиз, муҳтарама опа-сингилларимизнинг қандай жон куйдириб, фидокорона хизмат қилаётганингизни халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Шу маънода, ҳеч шубҳасиз, азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг бош майдонида қад кўтарган, ўзида бахтиёр она сиймосини мужассам этган янги, муаззам ёдгорлик мажмуига Мустақиллик ва эзгулик монументи деб ном берганимиз ҳам қалбимиз тўрида аёл зотига бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиром, таъзим ва ташаккуримизнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Азиз опа-сингиллар!

Мамлакатимизда 2006 йилга «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб ном беришимиз муносабати билан биз ўз олдимизга қўйган муҳим ва улкан вазифалар авваламбор халқимизнинг ҳаёт даражасини янги босқичга кўтариш, бунинг учун мавжуд барча салоҳият ва имкониятларни ишга солиш, бир ёқадан бош чиқариб, социал ва ижтимоий муаммоларни ечишга қаратилгани ҳаммамизга яхши аён, деб ўйлайман.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз аёлларимизнинг жамиятимиздаги нуфузи ва мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, хотин-қизлар учун, айниқса қишлоқ жойларда янги-янги иш ўринлари яратиш, биринчи галда хонадон бекаларига дуч келадиган уй-жой ва коммунал хизматлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича яна кўп иш қилишимиз лозимлигини, бу борада заҳматкаш ва камтарин опа-сингилларимиз олдида қарздор эканимизни ҳам ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Яқинда қабул қилинган шифокорлар ва ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қарорлар, тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини, касаначилик фаолиятини ривожлантириш учун туғдириб берилаётган қулайлик ва имтиёзлар, ўйлайманки, ана шу йўлда янги амалий қадамлар бўлиб хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, шуни таъкидламоқчиманки, биз бундан буён ҳам аёлларимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, уларнинг ақл-заковати, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.

Қадрли опа-сингилларим!

Барчангизни гўзал айёмингиз билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этаман.

Толеингиз баланд, ризқи насибангиз зиёда, гўзаллик ва меҳр-муҳаббат доим сизга ёр бўлсин!

Оилангизнинг бахту саодатини, фарзандларингизнинг камолини кўриш, ширин- шакар набираларнинг бешигини тебратиш ҳар бирингизга насиб этсин!

Хонадонларингиздан файзу барака аримасин!

Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Якун

ЮРТ ГУЛЛАРИ

"АТИРГУЛ-2005" танлови тақдимотида сўзга чиққанлар ижодкор аёлларга ана шундай таъриф беришди

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги "Журналист аёллар клуби" бугунги кунда журналист хотин-қизларнинг чинакам марказига айланди, десак янглишмаймиз. Буни яқиндагина Миллий матбуот марказида "АТИРГУЛ-2005" танлови якунларига бағишланган йиғилишда ҳам кузатиш қийин кечмади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов хотин-қизлар, айниқса, журналист аёлларнинг бугунги кунда жамият ҳаётида тутган ўрни, масъулияти, "АТИРГУЛ" танловининг анъанага айлангани ҳақида гапириб, йиғилганларни халқаро хотин-қизлар куни билан табриклади.

Шундан сўнг "Журналист аёллар клуби" раиси Мухтабар Каримова "АТИРГУЛ-2005" танлови ғолибларини эълон қилди, уларга қимматбаҳо совғалар, анвойи гуллар тақдим этилди.

(Танлов ғолибларининг рўйхати қуйида эълон қилинмоқда)

Тақдирлаш маросими доирасида Ҳулкар ва Омон Олимжоновларнинг муҳаббат ва баҳор куйчиси Зулфия таваллудига бағишланган "Тонгнинг ўзидай пок ва ёрқин" китоби ҳамда таниқли журналист Санъат Маҳмудованинг 65 ёшга тўлиши муносабати билан "Мен кўрган одамлар" китобининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Йиғилганлар Зулфия билан боғлиқ хотиралар, Санъат Маҳмудованинг журналистика соҳасига қўшган ҳиссаси хусусида ҳам фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тақдирлаш маросимида Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор Фарида Абдурахимова, республика хотин-қизлар қўмитаси ахборот ва матбуот маркази директори Ханифа Зокировалар мукофотланганлар ва йиғилганларни хотин-қизлар ҳамда баҳор айёми билан қутладилар.

Бир ижодкор сўзида ижодкор аёлларни юртнинг гулларига менгзади. Ана шу гуллар мудом сўлмасин, барқ уриб очилиб юрсин.

МУХБИРИМИЗ
Суратлар муаллифи В.Мясников

"АТИРГУЛ-2005"

республика танлови ғолиблари

1. Манзура БЕКЧОНОВА, Хоразм вилояти "Хива тонги" газетаси бўлим мудири — Аёллар ҳуқуқи масалаларига бағишланган мақолалари учун.

2. Саъдина БОБОМУРОДОВА, Жиззах вилояти "Маънавият ва маърифат" марказининг бош мутахассиси — Қадриятларни тиклаш ва тарғиб қилиш мавзусидаги мақолалари учун.

3. Дилором ИСМОИЛОВА, "Саодат" журнали бўлим муҳаррири — Хотин-қизлар ҳаётини акс эттирувчи туркум мақолалари учун.

4. Моҳинисо КАМОЛОВА, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон телерадиоканалининг бош муҳаррири ўринбосари — фермер хўжаликлари масалаларига бағишланган туркум кўрсатувлари учун.

5. Мавжуда НАСРУЛЛАЕВА, Сурхондарё вилояти телерадиокомпанияси катта муҳаррири — "Сарҳисоб" туркум кўрсатувлари учун.

6. Ольга НЕПОМНЯЩАЯ, "Народное слово" газетасининг катта мухбири — Долзарб муаммоларга бағишланган мақолалари учун.

7. Нилфия НУРИДДИНОВА, "Қашқадарё" газетаси мухбири — Аёлларнинг турмуш тарзига оид туркум мақолалари учун.

8. Гулнора ОТАБОЕВА, Наманган вилояти телерадиокомпанияси бош муҳаррири ўринбосари — Хотин-қизларнинг жамиятимиздаги ўрни, уларнинг қизиқишлари ҳақидаги туркум кўрсатувлари ва мақолалари учун.

9. Холида ПАРДАБОЕВА, "Сирдарё ҳақиқати" газетаси бўлим мудири — Маънавият ва маърифат мавзусидаги туркум мақолалари учун.

10. Васила ПЎЛАТОВА, "Гулхан" журнали бўлим мудири — Ёшларни тарбиясига бағишланган туркум мақолалари учун.

11. Пердегул ХОЖИМУРАТОВА, "Еркин Қорақалпақстан" газетасининг махсус мухбири — "Арал қызлари" рукнидаги туркум мақолалари учун.

12. Дилфуза ШОМАЛИКОВА, "Соғлом авлод" газетасининг бош муҳаррири — Одоб ва ахлоқ мавзусидаги мақолалари учун.

13. Дилфуза ЭСОНОВА, Ўзбекистон нодавлат телерадиокомпаниялар телетармоғи муҳаррири — "Парламент соати" туркум кўрсатувлари учун.

14. Назира ҚУРБОН, "Таълим менежменти" журнали масъул котиби — Ёшлар тарбияси, миллат маънавияти муаммоларига бағишланган долзарб мақолалари учун.

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТ СОҲИБАЛАРИ

1. Зумрад ВАҲОБОВА, "Миллий тикланиш" газетаси мухбири — Таниқли аёллар ҳақидаги очерклари учун.

2. Хуршида НАЗАРОВА, "Тошкент ҳақиқати" газетаси мухбири — Қишлоқ хўжалиги мавзусидаги мақолалари учун.

3. Илмира РАҲМАТУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ёшлар"телеканалининг катта муҳаррири — "Оила тилсими" туркум кўрсатувлари учун.

4. Зебунисо ТОҲИРИЁН, "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи етакчи муҳаррири — Мактаб ўқувчилари учун дарсликлар тайёрлашдаги иштироки учун.

5. Ҳулкар ҲАМРОЕВА, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телерадиоканалининг катта муҳаррири — Қизлар тарбияси ва уларни ҳаётга тайёрлаш мавзуидаги эшитиришлари учун.

Эҳтиром

ГУЛГУН ЧЕҲРАЛАР

Маънавияти тоза ўзанларга уланган аёллар тарбиялаган фарзанд куни келиб жаҳонга маърифат нурини тарқатган. Донишмандлар шу боис аёлга, унинг ақлига юксак баҳо берганда, аввало, ўстирган болалари камолига асосий эътиборни қаратишган. Негаки, оталар фарзандига ҳаётнинг асл моҳиятини ақл орқали ўргатсалар, оналар бу эзгу ишни қалби, юраги, туйғулари билан уддалашган.

Онанинг маънавияти, қалб ҳарорати меҳр-муҳаббатга айланиб, бола вужудига сингиб боради. Шу боис, донолар "Инсонлар ҳар вақт хотинлар истагани каби бўлажаклар, агарда буюк фазилатли одамларга эҳтиёжингиз бўлса, хотинларга буюклик фазилатини ўтгазингиз", — деганлар. Демак, жамият саодати яхши тарбия кўрган аёл билан мукаммалдир.

Зеро, жамият ва Аёл, Аёл ва жамият — тараққиётнинг бир-бирига уланган икки ҳалқаси. Аёли қимояланган жамият қудратли бўлади. Қудратли жамиятни эса покдамон аёл яратади.

(Давоми 3-бетда)

ТАҲРИРИЯТДАН

Бугун мустақил Ўзбекистонимизнинг қайси бир гўшасида бўлманг, улкан сафлар қаторида ўз фарзандлари иқболидан кўнгли тўқ яшаётган нуроний отахонларга, бунёдкорлик ишларида собит қадам ташлаб, билим даргоҳларида илм-фан сирларини кашф этишаётган хотин-қизларни, келажагимиз пойдевори бўлмиш бахтиёр қизалоқларни кўриб кўнглингиз яйрайди. Бу — том маънода буюк истиқлолимизнинг Аллоҳ насиб этган неъматидир, шундай эмасми?!

Бугун — ана шу мўътабар зотларнинг, қалбимиз қўри ва нуридийдаларимизнинг баҳор ва саодат байрами куни! Бу муборак айём дамларида оналар пойига яна бир бор бош қўйсак, деймиз. Меҳру муҳаббатимиз чўғи бўлган азиз опа-сингилларимизни, умр йўлдошимиз-у қизларимиз ва қизалоқ невараларимизни қучиб-эркалаб, байрам нашидаси ила қутлаб, уларга янаям нурафшонлик бахту иқбол тилагимиз келади.

Биз бугун ушбу саҳифамизда Аёлнинг, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг билим ва тафаккури билан, мўъжизакор қўллари билан рўй бераётган эзгулик амалиётлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Мисол тариқасида Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрини танладик. Бу ерда кечаётган ижтимоий-иқтисодий, маданий ислоҳотлар жараёнидаги хотин-қизлар фаолиятига тўхталдик.

Жараён

ДЕМОКРАТИЯ — КЎПЧИЛИК МАНФААТИ

Репортаж

Қонунчилик палатасида ҳамма партия фракциялари каби парламентда нисбатан кўпчиликни ташкил этувчи "Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси" фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Кескин баҳс руҳида бўлиб ўтган йиғилишда Қонунчилик палатасининг 2005 йилдаги умумий фаолияти танқидий жиҳатдан кўриб чиқилиб, фракциянинг Президентимизнинг Олий Мажлис Сенати бешинчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган хулосалар асосидаги вазифалар белгилаб олинди.

Тадбида таъкидланганидек, 2005 йил 28 январдаги қўшма йиғилишдаги Президентимизнинг маърузасида мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари аниқ кўрсатилган бўлиб, ҳокимият тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборатлиги кўрсатилган эди.

Ўтган бир йил давомида депутатларнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамаси томонидан ва бошқа қонун ташаббуси субъектлари томонидан киритилган қонун лойиҳалари устида ишлаш билан чекланиб қолди, бу эса ўз навбатида қуйи палатанинг амалда кучли ва мустақил ҳокимият ваколатидан фойдаланмаганлиги, жамият олдида турган муҳим масалаларни ечиш борасида ўз позициясига эга бўлишга ҳаракат қилмаётганидан далолат беради. Унинг фаолиятида оқимга қараб сузиш, масъулиятдан ва долзарб муаммоларни ечишдан ўзини олиб қочиш каби кайфиятлар кўзга ташланмоқда.

Айнан шу кайфият ҳамда Қонунчилик палатасида мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнларини ҳисобга олиб чуқур ўйланган иш режалар мавжуд эмаслиги, депутатлик корпуси томонидан бирор-бир шахсий қонунчилик ташаббуси йўқлигига, кўпчилик депутатлар эса келиб тушаётган қонунлар лойиҳаларига ўз фикрини қўшиш билан чекланишига сабаб бўлган. Бу ҳолат ўз навбатида Сенатга киритилган қонун лойиҳалари ва қабул қилинган қарорларнинг сифатига таъсир кўрсатаяпти.

Йиғилиш иштирокчилари Қонунчилик палатасида энг катта фракция бўлиб ҳисобланса-да, юзага келган вазиятга етарли таъсир кўрсата олмаганлиги ва палата фаолиятида ўз ўрни ва мавқеига эриша олмаётганлиги юзасидан танқидий мулоҳазаларни ҳам билдиришди.

Қайд этиб ўтилдики, бундай вазиятда фракция қатъий туриб ўзининг ва Қонунчилик палатасида шаклланган Демократик блокнинг имкониятларидан фойдаланиб жамиятни модернизациялаш ва ислоҳ этишда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги жараёнларнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ишидаги қуйи палатанинг муҳим бўғини сифатида биринчи қаторларда бўлиши лозим.

Шунингдек, Қонунчилик палатасининг айрим қўмиталари фаолияти, Олий Мажлис палаталари ўртасида шаклланаётган ҳамкорлик механизми ҳамда жамоатчилик билан ишлаш аҳволи, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари билан ўзаро муносабатлар, парламентнинг назорат-таҳлил фаолияти ва парламент сўрови каби имкониятларидан фойдаланишдаги камчиликлар танқидий жиҳатдан таҳлил этилди.

СЕН МЕНГА ТЕГМА, МЕН СЕНГА ТЕГМАЙМАН

қабилида ишлашдан воз кечайлик, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси йиғилишида сўзга чиққан фракция раиси Аслиддин Рустамов, — палата мажлисларида партиялараро рақобат руҳи йўқ. Палата Спикери ва унинг ўринбосарлари ялпи мажлисларни ўтказаётиб, принципиал масалаларни муҳокама қилишда ҳар бир партия фракцияси позициясини аниқлашга интилмайдилар. Устига-устак кўпинча давлат ички ва ташқи сиёсатидаги у ёки бу масалалар бўйича ўз нуқтаи назари ёки позициясини аниқ айтмайдилар.

Фракция ўзини парламентдаги мухолиф озчилик, деб эълон қилдими, шунга яраша бўлиши керак. Яъни, ўз ташаббусини намоён этиш учун қонун томонидан берилган барча имкониятлардан қатъийлик билан фойдаланиш лозим.

Палата фаолияти ва унинг мажлисларини ташкил этиш амалиётида профессионал асосда ишлаётган депутатлар салоҳияти тўлиқ амалга оширилмади. Регламент кўзда тутган палата иш шаклларидан унинг мажлисларида фақат биттаси-- палата кўриб чиқиши учун киритиладиган қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш тўлиқ ҳажмда амалга оширилди.

Бундан ташқари, халқ депутатлари вилоят, туман , шаҳар Кенгашлари ҳали ҳам ўз ишларини эскирган ва ислоҳотларнинг бугунги босқичига жавоб бермайдиган, 1993 йилда қабул қилинган қонун асосида ишламоқдалар. Бунинг оқибатида жойларда аҳолини ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган айрим масалалар долзарблигича қолмоқда. Бу каби масалаларда ХДП ўз позициясида қатъий турмоғи лозим, деди фракция раҳбари. Фракция аъзоси Нуриддин Исмоилов жойларда раҳбарлар депутатлар билан учрашувга ўзларига маълум тоифадаги аҳолини йиғмоқдалар, деди. Бу эса депутатлар сайловчисининг муаммоларини холис ва батафсил эшитишига халақит беради.

Бундан ташқари, парламент сўрови ҳуқуқидан умуман фойдаланилмаяпти. Чунончи, ўтган йили ноябрь ойида депутатлар палата раҳбариятидан қатор давлат бошқаруви органларини палата мажлисида қишки мавсумни ўтказишга тайёргарликнинг аҳволи тўғрисида ахборот беришига розилик олган эдилар. Ваҳоланки, палата бутун бир қиш мавсуми давомида бирор марта ҳам бу масалага қайтмади.

Биз яқинда Қонунчилик палатасининг 12 варақли ҳисоботини тасдиқладик, ҳайронман, Олий орган кимга ҳисобот бериши керак. Ундан кўра, қўмиталардан ҳисобот сўралса яхшироқ бўлишлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Ички ва ташқи миграция тўғрисида тўхталган депутат Насимқул Каримов аҳолини иш билан таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган муаммо эканлигини, гапириб ўтди.

Бунёд АБДУЛЛАЕВ

Мактуб

МАДАДКОР

Дастлаб биз, пойтахтда таҳсил олувчи талабалар, бу мактубни тўғридан тўғри тегишли манзилга жўнатмоқчи эдик, бироқ кейинчалик уни матбуотда чоп этишга қарор қилдик. Ҳамюртларимиз яхшиликлар ҳақида, унинг асос ва негизлари тўғрисида билишлари керак. Бўлажак талабаларга эса уларнинг имконияти қадр топишини билишлари муҳим, деб ҳисобладик.

Яқин ўтмишга қайтамиз. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ва "Меҳр нури" жамғармалари Таълим грантлари дастурини эълон қилганда, кўпчилигимиз бу танлов фақат "дасти узунларга", оддийларга эса ютиш имконияти йўқ, деб ўйлагандик. Шунга қарамай ўз кучимизни синаб кўрдик...

Ғалаба қозониш жуда оғир бўлди, чунки беллашаётган кўплаб йигит-қизлар орасида биз каби танловнинг ҳаққоний бўлишига шубҳа билан қараганлар бор эди. Шундай бўлса-да, барча иштирокчилар бор кучи билан курашди. Ҳаракат қилишди, чунки четда қолиб кетмаслик учун берилган бирдан-бир имконият шу эди. Ҳар биримиз олий ўқув юртига имтиҳон топширган ва бюджет асосида ўқиш учун етарли балл тўплай олмаган эдик. Ота-онамиз учун контракт тўлаш имконияти чекланган, шу боис кўпчилигимиз ўқишдан воз кечишга мажбур эдик. Грант дастурида таълим олиш учун контракт тўловларини қоплаш белгиланганлиги сабабли, биз ушбу дастурда қатнашишга қарор қилдик.

Бир қараганда Таълим грантлари дастури эзгулик ва яхшиликка хизмат қилади. Лекин шу билан бирга, у абитуриент ва талабаларнинг ҳаётида муҳим, ҳатто ҳал қилувчи босқич вазифасини ҳам ўтайди.

Биз берилган имкониятлар учун, барча Таълим грантлари дастурини ютган талаба-дипломантлар номидан жамғармага ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Шуни ҳам айтиш керакки, бу дастурни ютиш билан биз шунчаки контракт тўлаш ва таълим олишгагина эришмадик. Балки жамғарма томонидан татбиқ этилаётган ва ёшлар учун мўлжалланган янгидан янги лойиҳаларнинг марказида турган ҳолда, биз ҳақиқий жўшқин ҳаётга, талабаларнинг қизғин ҳаётига кириб келдик. Масалан, яқиндагина ўтказилган "Келажак овози" республика мега-танлови ғолиблари билан нафақат дўстлашдик, ҳатто улар билан биргаликда Фонд қошидаги янги ёшлар қаноти остида бирлашдик.

Шу билан бирга Талабалар ташаббуслари форумида иштирок этдик. Форумда 2006 йилга бағишланган жамғарма лойиҳалари юзасидан бизнинг ғояларимиз тақдимоти қўллаб-қувватланди. Биз форум иштирокчилари бўлган талабалар республика олий ўқув юртларида талабаларнинг таълим олишларига шароит яратиш ва янада ривожлантириш бўйича ўзимизнинг аниқ таклиф ва мулоҳазаларимизни билдирдик. Биринчи Форумдаёқ жамғарма талабаларнинг бир неча таклифларини қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдирди. Масалан, ЎзМУ ва ЎзДЖТУ журналистика факультетлари талабалари Москва давлат университетининг журналистика бўйича ўқитувчилари маърузаларидан баҳраманд бўлишади. Хорижлик мутахассислар иқтисодиёт факультетларига ҳам таклиф этилади.

Жамғарма архитектура институти талабаларига махсус адабиёт ва қўлланмалар обуна қилишни ваъда қилди, Педагогика университети талабалари учун эса ўқув юрти ҳудудида интернет кафе иш бошлайди.

Буларнинг барчаси ёшларнинг ҳар томонлама мукаммал камол топишларига йўналтирилганини кўрсатиб турибди.

Сир эмаски, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ва "Меҳр нури" жамғармалари ташаббускори, доимий изланиш ва ғамхўрлик истагида ёниб юрувчи аёл — Гулнора опа сабабли биз ўзимизни талаба деб атамоқдамиз. 8 март муносабати билан биз Таълим грантлари дастури талабалари, "Келажак овози", "Янги авлод" танлов-фестиваллари, стипендиялар дастурининг ғолиблари номидан Сизга, Гулнора опа ва сафдошларингизга куч-қувват, ижодий зафарлар тилаймиз. Бундай лойиҳалар устида ишлаш ва амалга татбиқ этиш фақат чинакам инсонларгагина хос хусусиятдир.

Сизнинг талаба ва дипломантларингиз: Д, АБДУВАҲОБОВА, Л. АМЕТОВА. Р. МЎМИНОВ, А. ЦОЙ, Х. ВАЛИЕВ, С. ХУДОЙБЕРГАНОВ, Ш. ШЕРМАТОВ, А. ЎРОЗБОЕВ, Д. ВОЛКОВ, Ю. ГУРОВ, Р. СУЛТОНОВ, С. ИКРОМОВ ва бошқалар

Жавоб

"ТААССУФ"ГА ТААССУФ

Тузалбой Раҳимбоев Ҳ. Ўтамовнинг бундан уч ой олдин ўз ихтиёри билан ишдан кетганини билмасмиди? Ёки...

Айтилган сўз — отилган ўқ. Сўз — найзадан ўткир. Халқимиз бундай ҳикматларни бежиз айтмаган. У ижобий сўз бўлса, киши руҳиятига ҳузур бағишлайди, аччиқ ҳақиқат бўлса, кишига тўғри йўлни кўрсатади. Аммо у ноҳақ сўз бўлса-чи? Унда киши кўнглини яраламай қўймайди, унинг азобини ҳеч бир нарсага тенглаштириб бўлмайди. Буни бошида ўтказган одамгина билади. Муддаога ўтайлик.

"Ҳуррият" газетасининг шу йил 22 февраль 7-сонида "Таассуф" сарлавҳали мақола босилди. Унда Урганч шаҳридаги мактабларнинг ошхоналаридаги аҳвол, "Урганч умумий овқатланиш ва мева-сабзавот тайёрлов харид савдо" масъулияти чекланган жамияти томонидан 3-ихтисослашган мактаб ва шаҳардаги бошқа мактаб буфетларида белгиланган тартибга зид равишда тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари сотилаётганлиги танқид қилинган. Жумладан, муддати ўтган "Три корочки", "Чупа-чупс" конфетлари, "Конд" шоколади сотилаётгани, "Ход-дог" тайёрланаётгани, маҳсулотлар санитария қоидаларига риоя қилинмасдан сақланаётгани кўрсатилган. Яхши бўлибди, матбуот ҳаёт кўзгуси, танқид келажакнинг меваси, дерсиз. Лекин салбий мақола эзгу мақсадни, кўпчиликнинг фойдасини ўйлаб эмас, ғараз мақсадда, бировни бадном қилиш учун, қолаверса, уч ойдан сўнг, танқид остига олинган шахс аллақачон ўз ихтиёри билан ишдан бўшаб кетганидан кейин ёзилган, асл айбдорлар бошқа ёқда қолиб Алининг қалпоғи Валига кийдирилган бўлса-чи? Унда ким азият чекади? Атрофдагилар бор гапни, ҳақиқатни тушунтиргунча не аҳволга тушади, ўша маломатга қолган киши-чи?

Хўш, аслида воқеа қандай бўлганди? Мақолани ўқиган, асл аҳволдан хабардор бўлган кишида мактаблардаги ҳолатларга МЧЖнинг қандай алоқаси бор, деган ҳақли савол туғилади. Мактаб ошхоналари ва буфетларидаги овқат ва озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати мактаб маъмурияти, қолаверса, ўша туман, шаҳар санитария-эпидемиология муассасаси томонидан назорат қилинади. МЧЖ мактаблардаги буфет ва ошхоналарга фақат маҳсулот етказиб беради.

Қолаверса, мақолада айтилган мактаблар буфетларида сотилаётган "Три корочки", "Чупа-чупс", "Конд" каби қандолат маҳсулотлари корхона томонидан ҳеч қачон савдога чиқарилмаган, корхона омборида кирим ҳам, чиқим ҳам қилинмаган. Корхона фақат сифатли маҳсулот таъминоти билан шуғулланади. Жамият омборидан фақат сертификатланган, ўзимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилган. Бунинг устига ошхона ва буфетлар жойлашган бинолар МЧЖга қарашли эмас. Уларни халқ таълими муассасалари шартнома асосида жиҳозлар ва идишлар билан таъминлайди. Журналист суриштирув олиб бораётган пайтда мактаблар ошхоналари таъмирланаётганди. Бундай шароитда баъзи ноқулайликлар бўлиши табиий ҳол.

Устига-устак, мақолада номлари келтирилган мактаб ошхона ва буфетлари ходимлари камчиликларга йўл қўйгани учун жарима тўлаб ҳам бўлишганди. Қолаверса, Урганчдек катта шаҳарда бир йил давомида шу соҳада ишлайдиган атиги 5 киши маъмурий жазо олган. Бу шаҳар мактаб ошхоналарида камчиликлар қалашиб ётибди, дегани эмас-ку.

Яна бир ҳолат. Аксарият мактабларда МЧЖдан олинган маҳсулотлардан ташқари «ишбилармон" мактаб буфетчилари ёки ошхона ходимларининг ўзлари ҳам қаердан олингани номаълум маҳсулотларни келтириб сотишлари сир эмас. Шундай экан, асл ҳолатни аниқ ўрганмасдан туриб, қандай қилиб бошқа бир кишини айдор, деб кўрсатиш мумкин? Бундан кўзланган мақсад нима?

Буниси ҳам майли. Юқорида айтганимиздек, муаллиф Тузалбой Раҳимбоев Урганч шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ходими билан мактабларда 2005 йил ноябрь ойи охирида суриштирув ўтказган. Далолатномада ана шу сана кўрсатилган. Демак, мақолада келтирилган воқеа бундан деярли уч ой олдин содир бўлган. Шу вақтда корхона раҳбари Ҳ. Ўтамов ўз хоҳишига биноан ишдан бўшаб, бошқа ишга ўтган, яъни банк ходими бўлган. Шу йил 22 февралда босилган мақолани ўқиганлар ҳайрон қолишгани аниқ. Бу гапларни Ҳ. Ўтамовга нима алоқаси бор. У уч ойдан буён бошқа жойда ишлаётган бўлса?

Бу нима? Тасодифми? Ёки?.. Таҳририят журналистга ишонган. Ишончни шунчалик суиистеъмол қилиш мумкинми? Қизиқ, журналист Ҳ. Ўтамов аллақачон бошқа ишга ўтиб ишлаётганини билганми ё атайлаб... отиб қолай деганми? Билмаган бўлса, унинг "сезгир"лигига қойил қолиш керак. Билмаган-ов, билганида "Ҳ. Ўтамов "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да ҳам бундай нохуш ҳоллардан кўз юммоқда", деб жар солмаган бўларди.

Яна бир гап. Ҳ. Ўтамовнинг мухбирга ўдағайлагани, яъни эшикни кўрсатиб қўйганида ҳам муболаға бор. Гувоҳларнинг айтишича, раҳбар мухбирнинг "илтимоси"ни ҳар сафаргидек бажаролмаган. Чунки бунга ўшанда унинг имконияти етмаган.

Энди муаллиф ўз мақоласида "очган" сир ҳақида тўхталсак. Унда "Отаси шаҳар ҳокими бўлган даврда Ҳ. Ўтамов гарчи ёш бўлса-да, нуфузли ташкилот жиловини қўлган олган экан", деган гаплар бор. Шу ўринда Ҳ. Ўтамовнинг ўз қўли билан ёзган хатидан ҳам бир жумла келтирамиз. "Мен ушбу вазифага 1998 йили тайинланганман. У вақтда отам Ж. Ўтамов ҳоким этиб тайинланмаганди", деб ёзади у. Дарҳақиқат, Ҳ. Ўтамов ҳозир 30 ёшда. Отасининг эркаси бўлиш ёшидан ўтган. Қолаверса, уни кўрган ва билганлар эътироф этишадики, Ҳ. Ўтамов эсли-ҳушли, ўта камтар ва камсуқум йигит.

Асл аҳволни ўрганган ва билган кишида, ахир журналист фаолиятида ҳаққонийлик бош мезон бўлиши шарт эмасми, деган савол пайдо бўлиши шубҳасиз. У ўзи қаламга олган мавзуни атрофлича ўрганиши, воқеликка холис ёндашиши, агар ҳақ бўлса, вақтида ёритиши керак эди-ку. Матбуот ходими энг аввало ўзи фаолият кўрсатаётган жойда атрофидагиларни ҳам қониқтирадиган илиқ муҳит яратиши, ўзгалар фикрини тинглай олиши, албатта, ишончга сазовор бўлиши лозим эмасми?

Эҳтимол, муаллиф "буни эзгу мақсадда қилдим", дея ўзини оқлашга уринар. Аммо қачондан бери ноҳақдан бировнинг обрўсини тўкиш "эзгу мақсад" бўлиб қолди экан. Айтадиларки, андиша яланғоч танани кўзлардан бекитиб турадиган либос эмиш. Бундай либос ҳаммага керак. Шу жумладан, ҳар бир қаламкашга ҳам. Сўзимиз сўнгида эса "Таассуф"га таассуф, дейишда бошқа чорамиз қолмади. Таассуф!

Суҳроб ТЕНГЛИЕВ, журналист
Муборак МАТНАЗАРОВА, "Урганч умумий овқатланиш ва мева-сабзавот тайёрлов харид савдо" МЧЖ раиси вазифасини бажарувчи.



Байрам торти. А.ҲАКИМОВ чизган

Мулоҳаза

Инсон ҳаёти босқичларида шундай воқеалар бўладики, уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Дейлик, болаликни ўйинларсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, талабалик даврини имтиҳон ва синовлар ана шундай безайди. Албатта, талабаликни бошидан ўтказган ҳар бир кишини имтиҳон ҳаяжонлари ҳозир ҳам оғир туш каби безовта қилиб турса керак. Ўқув жараёнидаги бу босқич билимларни намойиш этишдан ташқари характерни тоблаш, иродани мустаҳкамлаш учун ҳам жорий қилинган.

Маълумки, таълимнинг барча бўғинларида кескин ижобий ўзгаришлар содир бўлаяпти. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларнинг дунёда қиёси йўқ. Афсуски, баъзи хабарлар айрим олий ва махсус ўқув юртларида имтиҳон ва синовлар соф педагогик ёки тарбиявий жараён сифатида эмас, балки бутунлай бошқа, очиқ тан олинса, антипедагогик ва ғайритарбиявий тарзда ташкил қилинаётганидан дарак бермоқда. Албатта, бирданига бундай хулосага келингани йўқ. Қолаверса, мамлакатимизда нуфузли, шу тармоқдаги ўқув юртларининг таянчи сифатида эътироф этилган олий ўқув юртларидан бирининг талабаси таҳририятимизга тавсия этган "МАКТУБ" ҳам юқоридаги хулосаларни баён этишга олиб келди. Яхшиси, хат билан танишайлик-да, сўнгра фикримизни давом эттирайлик.

КУРМАКЛАР

ёки имтиҳон "бозор"и

Мен ушбу хатимни озгина тортиниш, кўпроқ қўрқув, қандайдир аламзадалик ҳисси билан ёзаяпман. Рости, менга шундай алам қилдики, изтиробимни ким биландир баҳам кўрмасам, ўзимни қўярга жой тополмаяпман.

Биз таҳсил олаётган олий даргоҳ ҳам бошқалардан фарқ қилмаса керак. Бу ерда талабалар учун яхши шароитлар яратилган, бундан нолиш ношукурчилик бўларди. Ҳозир эса атлас кўрпага бўз ямоқдек ярашмай турган бир қусур ҳақида сўз юритмоқчиман. Сезаётган бўлсангиз, бу имтиҳонлар топшириш билан боғлиқ.

Имтиҳонлар бошланган, талабалар учиб-қўниб юришибди, ҳамма ҳаяжонда. Ахир "домла" деганнинг кўнглини олиш ўзи бўладими?

Мана, турнақатор тизилиб турган йигит-қизлар юзига эшик очилди-да, нажот фариштаси — домла кўринди. Кайфиятлари йўқ эканми, "Ҳозир қабул қилмайман, соат 2 дан кейин" деганча кетиб қолдилар. Кун совуқ, бунинг устига қоронғига қолиб кетишни ўйлаган баъзи "тадбиркор" талабалар домла билан шивирлашиб олишди. Сўнгра қимматли маълумотни талабаларга етказишди: "келишиб олдик".

Айтилган пайтда имтиҳон бошланди. Буёғи қуйидагича: Кимлардир дафтарини "текшириб бериш" баҳонасида уни ташлаб чиқадилар (албатта, дафтар ичида келишилган пул бўлади). Бундан кейин навбат халтачаларга етади. Ранг-баранг қопчаларга нималар жойланмаган дейсиз: спиртли ичимликлар, иссиқ кийимлар, камёб озиқ-овқатлар — хуллас, ҳар хил маҳсулотлар. Ниҳоят, қуруқ қўл билан келганларга навбат етишади.

— Хўш, нима гап, — чимирилиб сўрайди домла, — сиз "2" баҳо олишга ҳам лойиқ эмассиз. Қайта топширишга қолдирдим.

Савол-жавоб ўрнига таҳдиддан довдираган талаба ялинишни бошлайди:

— Домла, илтимос, қайта топширишга қолдирманг. Бир ойлик стипендиям куяди, — йиғлаб юборгудек бўлади талаба.

— Нега, ахир... — кўзойнаги остидан мунғайиб турган қизга қарайди-да, "Ваҳ" деб юборади. — Сизга стипендия керакми? Майли, менга телефонингизни беринг, мен сизга бир ойлик эмас, икки ойлик стипендиянгизни ўзим бериб тураман. Бўладими?

Домланинг сўзи шу ерда бўлинади. Қарсиллатиб ёпилган эшикни беписанд кузатади. Шундан сўнг қўлида бир даста синов дафтарчасини кўтариб олган учаргина йигит кириб келади-да, домлага дейди:

— Мана, ҳозирча шунча йиғилди, ўн талабаники...

Домланинг кўзлари порлаб кетади, фақат ёлқинлар кўзойнак ортидан билинмайди. Синов дафтарчаларига баҳо қўяр экан, ручка парвоз қилаётгандек бўлади. Чўнтак тўлади, хонанинг бир четида эса ранг-баранг халтачалар...

Албатта, ўзинг таҳсил олаётган даргоҳ ҳақида бу гапларни ёзиш оғир. Аммо бор нарсадан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Беихтиёр машҳур ҳофизамизнинг қўшиғи ёдимга келади:

Узат, дейсан, бер, дейсан,
Ҳеч тўймадинг, одамзот.
Туя тўйди, фил тўйди,
Сен тўймадинг, одамзот.

Олий таълим даргоҳига бировимиз узоқдан, бировимиз яқиндан келиб, келажак ҳаётимизга асқотадиган малакалар ҳосил қилишга интиламиз. Ҳалол, покиза, эътиқоди бутун устозларимнинг сабоғини олганда эртанги куним нурафшон ҳолда намоён бўлади. Афсуски, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, кўнгилни хира қиладиган воқеалар ҳам йўқ эмас. Билмадим, қайси бири ҳақ йўл? Чалкаш хаёллар оғушида дилимдагини қоғозга туширдим.

ДИЛҲАҚ

Халқимиз табиатида маърифатга ташналик азалдан бор. Ҳар қандай шароитда ҳам билим олишга интилиб келган. Ҳозир ҳам бисотидаги нарсасини сотиб бўлса ҳам боласини ўқитаётган оилалар кўплаб топилади. Энди мулоҳаза қилиб кўрайлик. Ўша моддий тақчиллик нимага арзийди? Умид билан шаҳарга келган талаба устозларидан таъмагирлик, юлғучлик каби иллатларни ўрганадими? Агар бундай ҳоллар оммалашиб, томир отиб, унда келажагимиз, келажагимизни ишониб топширадиган ёшларимиз ким бўлиб етишади? Хуллас, саволлар кўп, уларнинг айримларига жавоб олиш учун психоаналитик Нормат ХОНИМҚУЛОВга мурожаат этдик:

— Мана, талабанинг хати билан танишиб чиқдингиз. Унинг изтиробига сабабчи бўлган "домла"нинг ахлоқий қиёфаси, руҳий ҳолати ҳақида нима дейиш мумкин?

— Одамнинг хатти-ҳаракати ўзи ҳақида маълумот беради. Айни пайтда дунёда мутахассисларни фақат малакасига, ишчанлигига қараб эмас, балки маънавий қиёфаси, руҳий устуворлигига қараб ҳам танлаш тамойили жорий бўлган. Агар айнан юқоридаги "домла" ҳақида сўз юритадиган бўлсак, унинг ўзи ҳам худди шундай муҳитда — қаллоблик, таъмагирлик ҳукм сурган шароитда улғайган бўлиши мумкин. Аниғи, дипломни ҳам, илмий унвонни ҳам "сотиб" олган. Албатта, қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, бундай одамнинг келгусидаги фаолияти бундан бошқача бўлиши мумкин эмас. Бунинг устига унинг қилмиши ўта ахлоқсизлик ва руҳий беқарорлик тарзида баҳоланмоғи лозим. Агар ахлоқига у шаклланган муҳитнинг нуқси урган бўлса, руҳий беқарорлик эса ўз-ўзидан руҳий носоғломлик аломати. Одатда, жамиятдаги умумэътироф этган тартибларга бўйсунмаслик кўпинча аламзадалик кайфияти туфайли юзага келади. "Домла"нинг турмуш тарзи меъёрдан чиққан бўлиши мумкин. Олайлик, у турмуш ўртоғи ўзига хиёнат қилаётганини сезиб қолган ва бу дардини бировга айта олмай, аламини талабалардан чиқараётгандир. Ёхуд у бирор касалликка (бавосил, сил, бепуштлик, мижоз сустлиги каби) чалинган-у, бу дардини бировга ошкор қилишдан ийманиб, ўз дардини худбин феъли билан оқлаётгандир... Хуллас, камдан кам ҳолларда бўлса ҳам учраётган бундай ошкора ҳаракатга йўл қўяётган кишининг фаолиятини соғлом одамникига тенглаштириб бўлмайди.

Маҳфуза ва Артур КАН тайёрлади

ТАҲРИРИЯТДАН:

Демак, ўқув юртида фаолият кўрсатаётган устоз фақат олим эмас, инсон сифатида, шахс сифатида жамият эътиборида бўлади. Уларнинг хатти-ҳаракати беихтиёр ҳаётга энди қадам қўйиб келаётган ёш ниҳолнинг умр дафтарида маълум из қолдиради. Шундай экан, масаланинг иккинчи қирраси — устознинг инсоний қиёфаси, ҳатто, ҳал қилувчи омил бўлиб қолаверади. Қадимги Шарқ ҳикматида илмига амал қилмаган олим устига китоб ортилган эшакка тенглаштирилади. Ёшларга чинакам инсонлар мураббийлик қилишга ҳақли. Халқ мақолида нақл қилинган "курмак"лар энди янги, соф жамиятимизга ярашмайди. Шундай эмасми?!

Мунособат

СЕНАТОР

унга овоз берган электорат ҳисобот сўрашга ҳақли

Ҳар сафар Мустақиллик майдони бағрида жойлашган Сенат биносига қадам қўйганда вужудимни ўзгача ҳаяжон чулғаб олади. Ҳар жиҳатдан бетакрор меъморий ечим асосида бунёд этилган бу иморат қайси бир томонлари билан мамлакат қудратини акс эттириб тургандай. Қадим Шарқнинг ноёб қурилиш услублари замонавий ютуқларга моҳирона уйғунлашиб кетган. Муҳташам иморатнинг баланд шифтлари, нурга чулғанган биллур қандиллар, мармар зиналару салмоқдор эшиклар - ҳамма-ҳаммаси чор атрофга ажиб тароват бағишлаб турибди.

Бу ерда сенаторлар ишлашади. Ҳа, бу даргоҳда ҳамма нарса янги - халқ вакилларининг иш тарзи ҳам, кўз ўнгимизда бунёд этилган иморат ҳам. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тақдим этган қонунлар бу ерда обдон пишитилади, минтақалар манфаати нуқтаи назаридан бойитилади.

Сенатор. Эндиликда бу сўз тўла салмоқ бахш этувчи оҳангда жаранглайди. Авваллари сенатор деганда дунёнинг олис мамлакатларида қонунчилик фаолияти билан шуғулланувчи шахсни тасаввур қилардик. Халқ хоҳиш-иродаси туфайли, замон талаблари тақозоси билан Ўзбекистонда ҳам икки палатали парламент вужудга келди. Ҳеч кимдан кам бўлмаган бу давлатнинг ҳам ўз сенаторлари бор. Ер юзидаги жуда кўп ўлкаларнинг сиёсатчилари орзу қиладиган, ҳамма шарт-шароит муҳайё этилган Сенат биноси бор.

Агар Сенатнинг муайян қисми фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган бўлса, вакиллик органининг асосий бўлаги халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг депутатлари ҳисобланиб, улар маҳаллий кенгашларнинг умумий йиғилишларида Сенат аъзолигига сайланган.

Модомики, Сенат қонун ижодкорлиги соҳасида минтақалар манфаатини ифода этар экан, адолат ва демократия тамойилларига риоя этилган ҳолда, аҳоли сони, эгаллаган майдонидан қатъий назар, ҳар бир ҳудуддан тенг миқдорда - олти нафардан сенатор сайланган. Табиийки, бу таркибга вилоят раҳбари, туман ва шаҳар ҳокимлари вакиллари қаторида эл-юрт назарида бўлган обрўли, тажрибали депутатлар ҳам танланган. Улар чин маънода халқнинг бугунги ҳаёти, эҳтиёжи, нафас олишидан хабардор бўлиб, қонунлар қабул қилишда ўз ваколатларини амалга ошириб келмоқдалар.

Агар фаолиятнинг дастлабки йили янгича ишлаш йўлида изланиш, ўрганиш даври бўлган бўлса, эндиликда парламентимизнинг юқори палатаси муайян тажрибага эга бўлди. Маълумки, Сенатнинг Қонунчилик палатаси билан биргаликда йигирма битта банддан иборат ваколати белгиланган бўлса, шунингдек, ўн тўртта бандни ташкил этувчи мутлақ ваколатлари Конституциявий қонунда ёзиб қўйилган. Олий давлат бошқаруви органига вакил қилиб йўллаган, сенаторликка сайлаган электорат эндиликда ана шу ваколатлар қай тарзда рўёбга чиқаётганлиги ҳақида сўрашга ҳақлидир.

Бу ҳақда шу йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи йиғилишидаги нутқида халқимизнинг фикрини ифодалади. Дарҳақиқат, сенаторни маҳаллий кенгашлар сайлаган экан, ўртада узилишга йўл қўйиш мумкинми?! Қонунлар қачон кучли, ҳаётбахш бўлади? Қачонки унинг замирида халқ манфаати тўла ифода этилса. Бунга фақат пойтахтдаги ёруғ ва чароғон хоналарда ўтириб эришиш мумкин эмас. Вакиллик органи чин маънода жойлардаги манфаатларни чуқур ўрганиши, муқояса ва мушоҳададан сўнг хулосага келиши керак. Хулоса эса мукаммал қонунлардир.

Сенаторлар фаолиятидан кенг жамоатчиликни хабардор этиш талаб даражасида эмаслиги танқид қилинди. Бундай баҳога биз, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам дахлдор эканлигимизни тан олишимиз лозим. Йил мобайнида жуда эътиборли, кўпчиликни қизиқтирадиган тадбирларнинг гувоҳи бўлдик, айрим баҳс-мунозараларда ўзимиз ҳам қатнашдик. Лекин уларни ёритишда азалий қолип шаклларидан фойдаландик, ҳақиқий ҳолатни бера олмадик. Айни пайтда сенаторларимиз ҳам матбуот саҳифаларида фаолроқ кўринсалар маъқул бўларди.

Сенатор - парламентимиз фаолиятида янги фигура. Унинг фаоллиги, ўз сайловчилари, маҳаллий кенгашлар билан самарали алоқа ва ҳамкорлиги фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада янгидан янги марралар забт этилишига ишонгимиз келади.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

Танишинг

ЯНГИ ВЕБ-САЙТ: gzt.uz

У субъектив эмас, объектив йўлдан бормоқчи

Ҳозирда интернет тармоғида веб-сайтлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Уларнинг мазмун моҳияти гоҳо ундоқ бўлса, гоҳо бундоқ. Янги очилган бу веб-сайтнинг келажаги ҳақида башорат қилмоқчи эмасмиз. Шу боис, унинг мақсад ва вазифалари ҳақида ўзларидан эшитинг.

"Бир пайтлар жуғрофий сиёсат асосида Ўрта Ер денгизини эгаллаган давлат бутун дунёга эгалик қилади, деган қарашни илгари сурган эди. Бугунги ахборот технологиялари юксак тараққий этган, ахборот жамияти қарор топиб бораётган шароитда масаланинг моҳияти ўзгариб кетди: кимки ахборот тарқатишга эгалик қилса, дунёнинг тартиби ўшанинг қўлида бўлади. Бизнинг бундай мақсадимиз йўқ. Ниятимиз ҳам шунга яраша: Ўзбекистон ва чет элдаги интернетдан фойдаланувчиларни имкон борича ҳаққоний ахборот билан таъминлашдир. Интернетга бўлган қизиқиш ва унинг имкониятларидан фойдаланиш тамойилининг кучайиб бораётгани бизни www.gzt.uz — мустақил интернет ахборот агентлигини ташкил этишга ундади. Унинг асосий мақсади мамлакатимиз ва чет элларда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида хабар, информация, таҳлилий мақолалар ва шарҳлар тайёрлаб тарқатишдир. Албатта, товар бўлган информация тўлиқ объектив бўлиши мумкин эмас. У тарқатувчисининг нуқтаи назарини акс эттириши табиий. Аммо профессионал этика нуқтаи назаридан у ёки бу объектга нисбатан субъектив муносабатда бўлишга йўл қўйилади. Бинобарин, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб, баҳо беришнинг ёмон жойи йўқ. Шу ўринда субъективликни қандай енгиш мумкин, деган савол туғилади. Бизнингча, бунинг бирдан бир йўли www.gzt.uz ни у ёки бу воқеа-ҳодиса ҳақидаги турлича қарашлар, талқинлар минбарига айлантиришдир.

Агентлик веб-сайти Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди кўмагида тайёрланди.

Агентлик вилоятларда яшаб ижод қилаётган журналистларни ҳамкорликка таклиф этади". *Сайт ҳақидаги қарашлар атрофлича бўлишлиги учун ундаги бир мақолани эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.*

"МИЛЛИЙ БОҒ"НИ МИНҒИРЛАБ АЙТМАНГ

Осиёдаги маданийлашган шаҳар тўғрисида гап кетса, Ўзбекистон пойтахти Тошкент етакчилар қаторида тилга олинади. Сўнгги пайтларда шаҳар янада чирой очмоқдаки, бу орада бир неча йил келмаган кишиларнинг адашиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Чунки хушбичим ва миллийлик уфуриб турган гўзал бинолар, равон йўл ва кўприклар шаҳар чиройига чирой қўшаётгани сир эмас. Айниқса, ер остида қишда иликлик ёзда салқинлик билан кишилар танасини яйратувчи метрополитен хизмати ўзига хосликка эга. Кўрсатилаётган хизмат сифатидан бугун кўплар рози ва миннатдор, албатта. Лекин бу, метрополитен хизматида камчиликлар йўқ деган маънони бермайди. Чунки юртимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 15 йилдан ортиқ вақт ўтганига қарамай бекатлар ҳамда вагонлар ичкарисига жойлаштирилган турли реклама эълонлари ҳалигача, асосан рус тилида бериб борилмоқда. Эълон остидаги илова шаклидаги ўзбекча ёзувлар берилгани бундан мустасно, албатта.

Яна бир гап. Мана салкам тўрт ойдирки, эски "Ёшлик" бекати номи "Миллий боғ" деб ўзгартирилганлигига қарамай, ҳалигача вагонда йўловчилар учун бериладиган эълонлар ўзгартирилмагани кишининг асабига тегади. Шу бекатгача дикторнинг чиройли овози орқали эълон қилиниб келинаётган овозэски "Ёшлик" бекатида бирдан ўчади-да, поезд ҳайдовчилари томонидан бир амаллаб "Миллий боғ" бекати дея эълон қилинади.

Ким "тўнғиллаб", яна кимдир "минғирлаб", қисқаси ҳар ким ўз ҳолича. Буни тушунган тушуниб қолади, тушунмаган ҳайрон бўлиб йўлида давом этаверади. Қизиқ, ҳар куни юз минглаб одамга хизмат кўрсатувчи чет элликларнинг ҳам қизиқишига сабаб бўлувчи бу замонавий йўлимиздаги эълонни ўзгартириш учун яна қанча вақт керак бўларкин-а?!

Фарида ТОЖИБОЕВА, журналист. Манба-gzt.uz

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг ўтган сонидаги «Судья хато қилса, зарарини ким тўлайди?» сарлавҳали мақоланинг муаллифи Абдураҳим НАЗАРОВ деб ўқилсин

Эҳтиром

ГУЛГУН ЧЕҲРАЛАР

(Бошланиши 1-бетда)

“Аёл омон бўлса оила омон, жамият омон бўлса давлат омон бўлади”. Дарҳақиқат, аёл, аввало, она. Шу боис унинг меҳри қуёшга ўхшатилади. Қуёш дунёни ёғдуга тўлдириб, одамларга зиё бахш этса, аёл ўз оқила ва донолиги билан жамиятга, инсониятга маънавият ато этади. Негаки, унинг қалбида қудратли руҳий қувват яшайди.

Юртбошимиз ҳам, шунга кўра, қандай олий даржадаги катта йиғилишларда бўлмасин, ўз сўзларида мамлакатимиз миқёсида республикамиздаги аёлларнинг жамиятдаги, оиладаги беқиёс ўрнини алоҳида эътибор, олқишлар билан таъкидлаб ўтадилар.

Кўҳна ва навқирон шаҳри Ҳўқанди латифда 210 мингдан зиёд аҳолининг 109 мингини хотин-қизлар ташкил этса, шундан деярли 60 минг нафари фаол меҳнатга лаёқатли ҳисобланади.

Президентимизнинг “Республика хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида тузилган ва бугунги кунда ҳаракатда бўлган 3 та дастур асосида шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ўз фаолиятини такомиллаштириб бормоқда. Ана шу дастурлар асосида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича амалий тадбирлар ишга солинмоқда.

Бугунликда шаҳримизда 150 нафардан зиёд аёл раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг асосий кўпчилиги ўз ташаббускорликлари, ташкилотчилик маҳоратлари, ўзлари бошқараётган муассаса ёхуд корхона нуфузини бошқаришдаги самарали меҳнатлари билан Қўқондагина эмас, балки вилоятимиз ва ундан ташқарида ҳам маълумдирлар. Масалан, “Қўқоннон” масъулияти чекланган жамият бошқаруви раиси Зумратхон Тўрахўжаева, 4-махсус мактаб-интернат директори Дилдор Ортиқова, Тиббиёт касб-ҳунар коллежи бошлиғи Замирахон Охунова, 37-мактабгача таълим муассасаси мудираси Фотимахон Болтабоева сингари тиниб-тинчимас, изланувчан, эзгу ишлар олдида меҳри дарё аёлларимиз шулар жумласидандир.

Хотин-қизлар ҳаракати, ижтимоий ривожланишида қуйидан бўладиган ташаббусни ривожлантиришнинг муайян масалалари бўйича раҳбар аёлларимиз томонидан хотин-қизларнинг аниқ манфаатлари ва муаммоларини, уларнинг фикр ва таклифларини аниқлашнинг самарали воситалари, демократик шакллари амалга оширилмоқда. Бу ўринда фаол ва ташаббускор аёлларимиздан Ўзбекистон Қаҳрамони, педагог Манзурахон Мадалиева, педагогика институтининг кафедра мудири, олима Манзурахон Аминова, “Қўқонмаш” ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Одинахон Дўстматова, 4-шаҳар шифохонаси бош шифокори Муяссархон Ахмедова, аграсаноат касаба уюшмаси шаҳар кенгаши раиси Анорхон Умаровалар номини келтириш ўринлидир. Шунингдек, шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг маслаҳатчилари Жўрахон Иброҳимова, Шаҳрихон Маҳмудова, Муҳаббат Абдураҳимова ва Раъногон Вагаповаларни ҳам улар қаторида тилга олиш мумкин.

Аёлларнинг ижтимоий фаол ҳаётга жалб этиш, улар учун қўшимча иш ўринларини яратиб бериш масаласи шаҳар ҳокимлигининг доимий эътибори ва назоратида туради. Биргина ўтган йилнинг ўзидаёқ 404 нафар, жорий йилнинг дастлабки икки ойи ичидаёқ 215 нафар аёллар уй меҳнатига, ҳунармандликка жалб этилдилар. Шулардан 212 нафари оилавий тадбиркорликни ташкил этадилар.

Ҳунармандлардан Одинахон Акрамова (зардўзлик билан), Венера Калимулина (жун румоллар тўқувчи), Муаззам Сулаймонқулова (нонвой), Гулчеҳрахон Саидалиева (матога безак берувчи) каби кўплаб аёлларнинг халқ истеъмолига чиқараётган маҳсулотлари мақтовга сазовордир. Маҳалла фуқаролар йиғинларида аёллар ўртасида касаначиликни ташкил этиш кенг авж олмоқда. Ушбу йилнинг ўзидаёқ Қўқон “Шоҳи атлас” МЧЖ, “Қўқон нон” МЧЖларда касаначилик учун кўплаб иш ўринлари яратилди. Бу эса аёлларимизнинг ўз оилаларида болалари тарбияси четда қолмаган ҳолда, ўз уй меҳнатларини ташкиллаштириб, жуда катта қулайликлар яратмоқда.

Ушбу дастур айни пайтда аёлларга ҳар томонлама ёрдам бериш, маҳалла қўмиталари томонидан оилада тиббий маданиятни ошириш, оналик ва болалакни ижтимоий муҳофаза қилишдек долзарб муаммоларни ҳал этишда мавжуд 65 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги диний-маърифий, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг аёллар ўртасида соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари, Репродуктив марказ мутахассислари билан олиб бораётган биргаликдаги ишлари туфайли оналар саломатлигини муҳофаза қилишнинг, соғлом онадан соғлом бола туғилишида бир мунча яхши кўрсаткичларга эришилди.

Бу соҳада “Саломатлик маркази” ва Репродуктив марказ раҳбарлари Н. Абдураҳмонова, Ф. Расуловаларнинг ташаббускорликлари яхши натижалар бермоқда.

Турган гап, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликларини ошира боришда уларнинг ҳуқуқий малакаларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади. Ана шу мақсадда шаҳар хотин-қизлар қўмитаси “Маънавият ва маърифат” маркази шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда 16 ёшдан бошлаб 60 ёшгача бўлган билимдон ва ташаббускор, фаол хотин-қизлар, олималар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, ҳуқуқшунослар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчилари орасида кенг қамровли лекторлар кўрик-танловини ўтказди. Айни пайтда ушбу кўрик-танловнинг ҳар бир соҳа бўйича ғолибларидан иборат тарғиботчи гуруҳлар ташкил этилиб, улар амалий фаолият кўрсатишмоқда.

Шунингдек, шаҳар “Маҳалла” жамғармасида хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимлари ва фаолиятини ошира бориш мақсадида алоҳида лавозим ўрни жорий этилди. Малакали ҳуқуқшунос-мутахассис Эътиборхон Муҳаммедова бу борада кўзга кўринарли ишларни амалга ошираётир. Шунингдек, “Мавлонбекова” хусусий адвокатурасида ишлаётган юристлар жамоатчилик асосида барча маҳаллаларда аёлларнинг ҳуқуқий савияларини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда.

Ушбу гуруҳларнинг кенг қамровли ташрифлари орқали ҳар бир оила муаммоси, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, маънавий муҳити ўрганиб борилмоқда. Айниқса, якка-ёлғизлар, кам таъминланган ҳамда ногирон аёлларнинг ҳолидан доимо хабардор бўлиш, уларни изчил моддий қўллаб-қувватлаб бориш имконияти туғилмоқда. Ўтган йилнинг ўзидаёқ етти нафар 100 ёшлилар, 106 нафар якка-ёлғиз ва 15 нафар уруш қатнашчилари ва кам таъминланган кўплаб уй бекалари ҳолидан хабар олиниб, уларга саховатпеша ҳомийлар томонидан мунтазам моддий ёрдам кўрсатиб турилди. Бундай савобли ишлар Ҳомийлар ва шифокорлар йили, деб эълон қилинган жорий йилда янаям кенгроқ қамровда бориши режалаштирилган.

Шаҳар маҳаллаларида, айниқса, ёшлар тарбияси, улар орасида жиноятчиликнинг олдини олишда оила, маҳалла ва мактаб концепцияси асосида иш юритиш, умумтаълим мактаблари билан оила ҳамкорлигини узвий олиб бориш яхши самаралар келтираётир. Ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида спорт мусобақалари ва турли тўгаракларнинг ташкил этилиши орқали ҳам болаларнинг бўш вақтлари фойдали ўтишига эришилмоқда.

Шаҳримизда аёллар спортини ривожлантириш, айниқса, “Ота, онам ва мен — спортчилар оиласи” деб номланган спорт мусобақалари ҳам тобора кенгроқ тус олаётгани эса, янаям қувонарлидир. Айни пайтда шаҳарнинг 50 дан ортиқ маҳалласида волейбол, теннис, шахмат-шашка, енгил атлетика бўйича спорт мусобақаларида иштирок этувчи спортчи хотин-қизлар командаси мавжудлиги фикримизнинг далилидир. Шунингдек, “Шаҳноза” болалар боғчаси ва Тиббиёт касб-ҳунар коллежида гимнастика секцияларининг ташкил этилганлиги ҳам кўпчиликни қувонтирмоқда.

Ўз ўрнида, шахсан шаҳар ҳокими М. Усмоновнинг ташаббуси билан ёш истеъдодларни қидириб топиш, уларнинг ўз маҳоратларини такомиллаштириб боришлари учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган тадбирларни ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир. Натижада, айниқса, кейинги бир-икки йил ичида қўқонлик ёшлар ўртасида ижодий кўтаринкилик кескин ўсганлиги фикримизнинг далилидир. Мисол тариқасида, Қодиржон Ҳайдаров номидаги тасвирий ва халқ амалий санъати коллежи талабаси, “Ташаббус-2006” кўрик танловининг “Энг ёш ҳунарманд” номинацияси бўйича совриндори Шаҳноза Мадалиевани олайлик. У республика коллежлари ўртасида ўтказилган “Келажак овози” конкурсида ғолибликни қўлга киритди. Шаҳноза европача ва миллий кийимларни қойилмақом қилиб тика олади. Бу либосларга ажабтовур бисерлар қадайди. Фортепианода жаҳон классик мусиқасидан намуналар чалади, беназир овозда қўшиқлар куйлайди. Маҳорат билан расмлар чизади. Хуллас, кенг қамровли истеъдод соҳибидир. Бунга ўхшаш яна кўплаб ёшларимиз ўзларини намоён этишаётганидан хурсандмиз.

Хулоса қилиб айтганда, шаҳримиз хотин-қизларининг мустақил юртимизда изчил амалга ошираётган тубли ислоҳотлардаги иштирокини кучайтиришга, уларнинг бахтли-саодатли умр кечиришларини таъминлашга қаратилган тадбирларимиз бундан сўнг янаям қизғинроқ тус олишига ишонамиз. Фурсатдан фойдаланиб, азиз Ўзбекистонимиздаги барча munис ва муҳтарам онахонларимизни, мўътабар опа-сингилларимизни Халқаро хотин-қизлар байрами билан қутлайман, омад ва бахт ҳамиша йўлдошингиз бўлсин.

Саломатхон АБДУЛЛАЕВА,
Қўқон шаҳар ҳокими ўринбосари,
хотин-қизлар қўмитаси раиси

Ҳеч кимнинг бошига мусибат тушмасин. Дардга чалинмасин, азоб чекмасин. Бироқ шундай ташвиш бошга тушиб қолгудек бўлса борми, ҳаммага аён, дунё зулматга айланади, кўзга ҳеч нарса кўринмайди, кўнгилга қил сиғмайди. Худо дейсиз, дўхтирга умид боғлайсиз. Нажот кутасиз. Ана шундай паллада энг аввало, “Тез тиббий ёрдам”га интиқ бўласиз. Атрофингизда парвона бўла бошлаган ҳамшираларга, дўхтирларга илтижо билан боқасиз, уларнинг хатти-ҳаракатлари, дастлабки тиббий ёрдамлари ва бир оғизгина ширин сўзи-ю меҳрибонлигидан ором топгандек, таскин олгандек бўласиз...

ЯХШИЛИККА ЙЎЛДОШ ОДАМЛАР

Қўқонликлар шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг “Тез тиббий ёрдам” станцияси ходимлари ишидан ҳамиша мамнундирлар. Бу ерда “ёрдам кеч келди” ёки “яхши қарашмади” деган гапларга асло ўрин йўқ. Негаки, бош шифокори Акрамжон Ўрмонов бўлган мазкур жамоа ҳамиша талаб даражасида ишлаб келади. Тезкорлик, зарурий ёрдам кўрсатиш, палаталарнинг замонавий тиббий анжомлари билан жиҳозланиши, “Тез ёрдам” автомашиналарининг кўплиги ва доимо хизматга шайлиги билан вилоятдаги турдош муассасалар орасида пешқадамликни эгаллаб келади.

Шаҳар тез тиббий ёрдам станциясида 300 нафардан зиёд шифокор ходимлар фаолият кўрсатади. Айниқса, Санобархон Холижонова, Мухтасархон Султонова, Зарифахон Умарова, Инобатхон Қодирова, Нурхон Эргашева сингари кўплаб олий тоифали врачлар ҳамда ҳамширалар номини шаҳарликлар ҳурмат билан тилга олишади.

Бевосита Қўқон ҳокимлигининг ёрдами билан мазкур станцияга ўтган йилнинг ўзидаёқ 3 та “Дамас” ва битта “Газел” махсус автомашинаси берилганлиги ҳам бу жамоанинг нуфузи анча баландлигидан далолат бериб турипти.

Гап йўқ, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари, жумладан “Тез тиббий ёрдам”нинг олижаноб жамоаси фаолиятидан мамнун қўқонликлар дуога қўл очарканлар: “Сизларга ҳамиша Аллоҳ йўлдош бўлсин. Ишларингиз бароридан келаверсин” дейишлари аниқ.

ВАТАН

Фироқларда йиғлади Фурқат,
Соғинчлардан муддао Ватан.
Кўзларимга суртсам деб фақат,
Тупроғингни, бебаҳо Ватан.

Халқ кўзини босганда мудроқ,
Қодирийлар қони бор тупроқ.
Эслаганда туради титроқ.
Боболарим, шоним бу — Ватан.

Ўтди йиллар, ўтди асрлар,
Ўтди Чўлпон, Усмон Носирлар.
Вайрон бўлган кўшклар, қасрлар,
Бардош берган, шу азиз Ватан.

Сочин майда ўрган қизалоқ,
Қир бағрида терар қизғалдоқ.
Юртим тинчдир, юраклар қувноқ,
Ҳар он тинчлик истайди Ватан.

Бобо юртим — қадим Туроним,
Мадҳинг билан тинмас забоним.
Она Ватан — шуҳратим-шоним,
Шоним менинг, шу азиз Ватан.

Гулнора РАЖАБОВА,
Қўқон давлат педагогика институти талабаси

Ижобат

БЎЛАР ЭКАН-КУ!

“Ўз қадрини билган ўзгани хўрламайди”. “Ҳуррият”, 2006 йил, 1 февраль.

Биз Қозоғистон телевидениеси “Хабар” телеканалида намойиш этилаётган “Миллион кимга буюради?” интеллектуал ўйинига муносабат билдирган эдик.

Қардошларимиз газета чиқишидан хабар топибдиларми ёки инсофга келибдиларми, ўз қарашлари (муносабатлари)ни ўзгартирибди. 3 мартдаги дастурда бу ҳолга гувоҳ бўлиб, ўз эътирофимизни изҳор қилдик.

Бошловчи Искандар Серекбоев навбатдаги саволни мана бундай эълон қилди: “Амир Темур қаерда дафн этилган?” Мана, бўлар экан-ку. Ҳамкасбларимизнинг бундай жавобидан кўнглимиз кўтарилди. Биз, бир отанинг икки тилли фарзандлари, ҳар қандай чалкаш масалани бемалол ҳал қила олишимизга ишончимиз кучайди.

Ўйинда қўйилган сўроққа иштирокчи жавоб бера олмади (фақат танишининг кўмаги билан Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Урганч вариантларидан тўғри нусхасини топа олди), Демак, еримиз, маданиятимиз, қалбимиз туташ бўлса ҳам, ҳали бир-биримизнинг тарихимизни яхши билмас эканмиз. Иншоолло, бундан кейинги ҳамкорликларимиз бу йўлда хизмат қилади.

Луқмон ҲАКИМОВ

Танишув

ОНА, СИЗГА...

Соғинч юрагимни йиғлатди яна,
Дўстларим дардимни тинглашолмайди.
Бу ерлар аслида менга бегона,
Она, сизга ҳеч ким тенглашолмайди.

Сиз менинг боримсиз, мушфиқ, куюнчак,
Нигоҳи нигорон, юраги пора,
Ҳануз ҳовлимизда ёдгор беланчак,
Жилмайиб ётади унда хотира.

Мусофирман яна ўзга тупроқда,
Сизнинг ёдингиз-ла оламан нафас.
Мен чўкиб боряпман, юрак қирғоқда,
Қирғоқдаги юрак омон бўлса бас.

* * *

Ташлаб кетди энг аввал отанг,
Ташлаб кетди дўстинг беписанд,
Ташлаб кетдим мен ҳам индамай,
Сен — дунёни ташлаб кетибсан.

Бугун қайтдим... Сени тополмай
Ғижимлайди қалбимни армон.
Ўч олмоқчи бўлгандай мендан
Итинг сени кутади ҳамон.

Ситора ТОЖИДДИНОВА

Тафаккур

АЁЛ ЗИЙНАТИ — АЁЛЛИК

Умр қисқа, аммо ҳаёт аёл туфайли муаббаддир.

* * *

Йиллар ўтгач бир пурҳикмат имкон сенга иноъом этилганига иқрор бўласан — у аёл билан бирга, ёнма-ён яшаш имконидир.

* * *

Аёлни ўрганмай мангулик ҳақида сўзлаш хатодир.

* * *

Карами йўқ эркак аёлда нафрат уйғотади.

* * *

Эзгулик, меҳр улуғланадиган жамиятда аёллар сони эркаклар сонидан мудом зиёддир.

* * *

Эркак қалбида муҳаббат нафратга, аёл қалбида эса муҳаббат муҳаббатга таяниб юради.

* * *

Нафрат қулатади, муҳаббат — қутқаради.

* * *

Муҳаббат улуғланса нафрат лаънатланади.

* * *

Кечирилмас гуноҳ йўқ, акс ҳолда Одам Ота билан Момо Ҳаво авлодларнинг тавқи лаънатига кўмилиб кетарди.

* * *

Йигирма ёшингда аёл учун ўлишни шараф, қирқ ёшингда аёл учун яшашни бурчим деб биласан, олтмиш ёшингда эса ўлишга ҳам имону қувватинг қолмаганини туйиб ким учун, нима учун яшадим деган ўйга ботасан. Лекин жавобни фарзандларинг ва невараларинг беради.

* * *

Аёл янги нарсаларга ўч бўлса-да, ўзининг муқим ва анъанавий ҳаёт тарзини ҳеч ўзгартиргиси келмайди.

* * *

Қизиқ, ўтмиш ота-боболаримиз, келажак эса бокира аёл тимсолида кўз олдимизга келади.

* * *

Аёлдан қуймаганида нафратдан муҳаббатни, фонийдан боқийни ажратиш эркакнинг ўйига ҳам келмасди.

* * *

Ҳар бир аёл қалбида жиндек Фрейд ўйлари, ҳар бир эркак қалбида жиндек Мадонна майллари яшайди.

* * *

Тортган ранжларинг ҳам, топган ганжларинг ҳам аёлнинг бир илиқ сўзи ёки табассуми каби дилингни шод этолмайди.

* * *

Аёлдан завқ-шавқ тополмаган кишининг ҳаётдан завқ-шавқ топиши душвор.

* * *

Фарзандинг ёки неварянг қучоқ очиб қаршилаганида аёлнинг инжиқлиги ва ноз-лари тагида қандай ҳикмат яширинганини туясан.

* * *

Ота билан ўғилнинг бир-бирига меҳридан ота билан қизнинг бир-бирига меҳри кучлироқ. Менинг фикримча, бу ўринда биз англаб етмаган қандайдир сир яширинган...

* * *

Эркаклар иштиҳосини тез қондирадиган аёлни маъшуқа, умр бўйи иштиҳо уйғотадиган аёлни ёстиқдош кўришни истайдилар.

* * *

Аёллар ўзи билан ўзи суҳбат қуришни ўрганса, эркакларнинг фалсафа билан шуғулланишига ҳожат қолмайди.

* * *

“Ҳаёт — бемаъни” (Ж. П. Сартр). Бирорта аёлни бор вужуди билан севган эркак ҳаёт ҳақида бундай бешафқат хулоса чиқармайди.

Виктор АЛИМАСОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

МЕҲР ЗИЁСИДАН МУНАВВАР ДУНЁ

Қўқонда шундай даргоҳ бор. Боғча-мактаб гимназияси, деб аталади. Ҳавасни келтирувчи шарт-шароитлари, таълим-тарбиянинг давр талаблари даражасида йўлга қўйилганлигини, болаларга инглиз, араб, рус ва ўзбек тилларидан сабоқ берилиши ҳамда халқ амалий санъати, бадиий ижод ва спорт турларидан кенг қамровли малака олиш имкониятлари яратиб қўйилганлиги билан шуҳрат топган. Бу даргоҳни республика Халқ таълими аълочиси, 1 даражали “Соғлом авлод” ордени нишондори Мамлакатхон Содиқова бошқарадилар.

Мазкур боғча-гимназиянинг ўзига хос жиҳати шундаки, болалар боғча ёши тугагач, бу ердан чиқиб кетишмайди. Улар бошланғич тўрт синф таълим-тарбиясини шу ернинг ўзида олишади. Бу, ўз ўрнида, эндигина оёққа тураётган бола учун жудаям қулай. Негаки, ўзи учун қадрдон ўша даргоҳ, меҳр-муҳаббати боғланиб қолган ўша тарбиячилар, ўзига таниш ва яқин ўша тенгдошлар. Яна энг муҳими, боғчадан кейин бошқа даргоҳга — мактаб дунёсига кириб борган болалар учун хос дастлабки эсанкираш, фикр бўлиниши, қайтадан кўникма ҳосил қилишдек муайян қийинчилик ҳоллари булар учун бегона. Қолаверса, мазкур гимназиядаги алоҳида шарт-шароитлар — тўрт маҳал бепул овқат, бепул дарсликлар ва ўқув қуроллари, аъло даражадаги таълим-тарбияни қайси умумтаълим мактабида учратиш мумкин?!

Боғча-гимназияга Мамлакатхон опанинг ўзлари асос солганлар. Ҳозирда 300 нафардан зиёд болалар тарбиялана-ётган ва таълим олаётган мазкур даргоҳдаги ҳайратомуз ва ибратбахш ишлар бевосита унинг номи билан боғлиқдир.

Мамлакатхон опанинг Қўқондаги издошлари бир талай. Масалан, 64-махсус боғча-мактаб мажмуаси директори Зебохон Юсупова ҳамда 39-соғломлаштириш болалар боғчасининг мудираси Зуҳрахон Ҳожаеваларни олайлик. Улар ҳам ўз устозлари Мамлакатхон опа изидан боришиб, шаҳарнинг бир чеккасида қачонлардан бери қаровсиз ётган, деворлари нурай бошлаган биноларни қайтадан тиклаш ва ногирон болалар учун шинам ҳамда барча қулайликларга эга бўлган махсус боғча-мактаблар барпо этишга аҳд қилишди.

Таббийки, бундай ишлар ўзўзидан битиб қолмайди. Қанчадан-қанча маблағ-у ташкилотчилик маҳорати, сабру тоқат ва журъат-шижоат талаб қилинади. Бино битгани билан жамоанинг ўзини шакллантиришга, ногирон ёхуд ривожланиши суст болаларни топиш ва жалб қилишга, гуруҳлар учун лозим бўлган қанчадан-қанча жиҳозларни муҳайё қилишга тўғри келади. Бугунги кунда шаҳар халқ таълими тасарруфидаги бу икки муассаса-ю унинг асосчилари ибрат тариқасида тилга олинади. Бу ерда баъзан вилоят ва республика миқёсидаги семинарлар ўтказилиши ҳамда хорижий мутахассисларнинг ташриф буюриб туришлари ҳам фикримизнинг далилидир.

Ҳа, Аёлнинг зукколиги, ғайрат-шижоати, эзгуликка меҳру муҳаббати олдида таъзим бажо келтирмоқ лозим!

Саҳифа материалларини “ҲУРРИЯТ” мухбири С.ҚАҲҲОР тайёрлади.
Суратлар муаллифи: Орифжон ОЧИЛДИЕВ

®

А.ҲАКИМОВ чизган

Ғунча

ТАБИАТ БОЙЛИГИ

Эрта тонгда кўча ҳавоси,
Минг бир дарднинг асл давоси
Олди менинг ақл-у ҳушимни,
Сайраётган булбул навоси.

Гуллар томон шошар арилар,
Сайр қилар ёш-у қарилар.
Табиатга, ноз-у неъматга,
Маҳлиёдир гўзал парилар.

Майдон томон чопар болалар,
Қизлар тўқир ипак толалар.
Шаҳодада майин тебранар,
Тоғлардаги қизил лолалар.

ДЎСТЛИК ШАРТИ

Гарчи катта одамнинг,
“Ягонаси” бўлсанг ҳам.

Ёдингда тут, доимо,
Қонун олдида тенгсан.

Ёши улуғни кўрсанг,
Ҳунук илжайиб турма.

Кўксингга қўлинг қўйиб,
Саломни канда қилма.

Тортишма ошнанг билан,
Узр сўрашни ҳам бил.
Имкон борича унга,
Доимо яхшилик қил.

“Унинг ўзи...” деб турма,
Бордир айбинг сенинг ҳам.
Дўст ҳам хато қилади,
Дерлар “Қарс икки қўлдан”.

Камола ЮСУФЗОДА,
13 ёш



Фахр

Халқимизнинг "Чин кўнгилдан астойдил тиласанг, Худо тилагингга етказади", "Яхши ният ёрти мол" деган ҳикматларини ўйлаганимда, Соҳибқирон Амир Темурнинг буюклик сири ва оламшумул зафари кўнглимдан ўтаверади.

АДОЛАТНИНГ КУЧИ НАҚАДАР ҚУДРАТЛИ

Буюк Соҳибқирон Амир Темур ҳақида гап кетганда баъзан оддий кишилар, ҳатто, совет даврида тарихчи унвонини олганлар оғзидан "у ҳам қон тўккан", "босқинчи бўлган" деган салбий маънодаги фикрни эшитиб қоламан. Бундай қарашлар жангда ким енгиб чиққан бўлса, ғалабани қўлга киритган бўлса, албатта, у қон тўккан ёки у қонхўр бўлади, деган юзаки тушунчадан, бу буюк Темурнинг ниятини англамасликдан, тушунмасликдан, совет даври назарияси таъсиридан келиб чиққан хатодан бошқа нарса эмас.

Ўз халқининг оламга машҳур шундай буюк фарзанди бор бўлганидан қувониб фахрланиш ўрнига қулоққа кирганда дилингни ранжитадиган юқоридагидек гапларни бегоналардан эмас, ўз миллатингга мансуб кишилардан баъзан эшитиш ва ўз тарихини билмасликлари, албатта,кишини жуда-жуда афсуслантиради.

Жанг қурбонсиз бўладими? Бўлмайди! Агарда Амир Темур юришини уруш дейдиган бўлсак, уруш сабаби нимада? Ким унда босқинчию, ким халоскор! Қайсики, ҳукмдор тинч, осойишта яшаётган халққа ҳужум бошласа, унинг мол-мулкини талаш, ерига эга бўлиш ниятида бегуноҳ одамларнинг қонини тўкса, албатта, уни босқинчи — қонхўр деган тавқилаънатдан бошқа ном билан атаб бўлмайди.

Буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур номини тилга олганимизда, босқинчи ким, деган саволга жавоб топмай, унинг жаҳон бўйлаб юриши ва зафарига тўғри баҳо беролмаймиз.

Яна такрорлаб айтмоқчиманки, жанг қурбонсиз бўлмайди, тўғри, аммо Амир Темур ким билан жанг қилди? Нега жанг қилди? У жангни бировнинг юртини босиб олишдан эмас, ўз юртини босқинчидан холи қилишдан бошлади. Фақат бугина эмас, қўшни халқларни бир-бирлари билан ўзаро қирғин урушлардан холи қилишни ният қилди. Халқининг қонини тўккан, ўз она юртига бостириб келиб талаб, вайрон қилган Чингизхонга қарши курашди, жанг бошлади. Яна шу ерда айтиб ўтиш жоизки, Амир Темур жангга фақат ўз халқининг Чингизхон зулмидан қутқариш учунгина унга қарши курашмади. Буюк инсоний ният билан жангга кирди. Чин кўнгилдан тиласанг, у ниятинг холис бўлса, муродга етасан, албатта, деб бежиз айтилмаган.

Давлатлар билан давлатлар, ҳокимлар билан ҳокимлар эмас, ака-укалар ўзаро тахт талашлари, гуноҳсиз қатл қилишлари Темурни азобга қўйди, қийнади. Бу Темурга инсоний нуқтаи назаридан, мусулмончилик эътиқоди тақозоси билан тинчлик бермади. Масъулият юклади. Фақат оилада эмас, фақат ўз мамлакати эмас, ҳамма давлатлар, халқлар аҳиллигигина халқлар бошига бало бўлган урушдек фалокатдан, фожеадан қутқаришни, бир оила қилмоқни ният қилди. Унинг бундан бошқа нияти бўлмаган. Соҳибқироннинг бу ниятини Оврупа халқи қувонч билан, қаршиликсиз кутиб олди. Чингизхон зулмидан халоскоримиз деб испанлар унга олтин ҳайкал ўрнатди. Руслар ўзларининг халоскори деб атадилар. Уни Соҳибқирон қилган, уни жаҳонга машҳур қилиб зафарга эриштирган куч ҳам ундаги мана шу олийжаноб инсоний ният эди.

Бундай муносабатларга лойиқ бўлмоқ учун "Куч — адолатда!" деган шиорни кўнглига қасамёд қилиб тугиб олганида, шунча қатъий амал қилганида эди. Албатта, адолат ўрнатиш осонгина, не-не ғийбат-фатволар, не-не қаршилик, тухматларга бардош бермасдан бўлмаган, Темур адолатсизликларга зулм ёки қон тўкиш билан эмас, инсоний меҳр, имон билан қарши кураш йўлини тутди. Темурнинг адолати шундаки, у ҳар қандай ноҳақликлар, хатоликларга дуч келганда ҳам зулмга суянмади, зулмга эрк бермади. Унинг адолати сабр-тоқатли бўлиш, бағри кенглик, энг аввало, одамга меҳр-шафқат кўрсатишни тақозо этади. Бундай буюк фазилатлар Темурда мужассам эди. Ҳар босган қадамини одамлар бахти, жаҳон халқларининг аҳил оилалардек миллати, урф-одатларига қарамасдан баҳамжиҳат бўлишга қаратилган эди. Аммо Темур қўлига қурол олмай, минг-минглаб лашкарларсиз фақат ширин сўз билан осонликча дунёнинг ярмини забт этди, деган хулосага келиш соддалик бўларди.

Уруш қурбонсиз, қон тўкилмай бўлмайди. Аммо Темур асло ноҳақ қон тўкмади, бесабаб, мажбуриятсиз ҳеч ерга қадам босмаган. Ахир ўз даврида халқига адолатсизлик қилган, қўшни кичик давлатларга босқинчилик қилиб кун кўриш, ҳукмронлик қилишни истаганлар бўлганми! Улар ўз ихтиёри билан, Темурнинг эзгу ниятини тушуниб, ҳокимиятни қўлдан берармиди! Албатта, қилич кўтариб қаршилик кўрсатиши ҳам табиий бўлган. Бу жангсиз бўлмаган. Қон тўкилган. Агарда бундай қон тўкилишлар ноҳақ бўлиб, халқлар ва давлатларнинг норозилигига сабаб бўлганда эди, Темур қўшини бундай қаршиликка бардош бериши мантиқан мумкин бўлмасди.

Чиндан ҳам Темурнинг олижаноб нияти бўлмаганида, у қадам қўйган юртлардаги одамларнинг норозиликларига сабаб бўлганида эди, масалан, Боязиддек қудратли ҳукмдорга қарши курашган чоғида фурсатдан фойдаланиб бошқа давлатлар Темурга қарши ҳужум бошлаган бўлардилар. Бундай бўлмади. Бу Темурнинг юритган адолатидан эди.

Мен баъзан ўзимча унинг қудратини, буюклик зафарининг сирини ўйлаганимда, аввало, бу унинг адолатпарварлигидан бўлса, бундан ташқари замондош тарихчиларининг гувоҳлик беришларича, у қай давлатга қадам қўймасин, даставвал, унинг ҳукмдорларига — амал-мартабанг ҳам, давлатинг ҳам, мол-мулкинг ҳам ўзингга буюрсин, аммо фақатгина менинг ҳукмимга бўйсунасан, тарзидаги муносабатида, яъни унинг ҳукми фармони муроса, тинчлик бўлсиндан иборат бўлганида деб биламан. Унинг ғалабаси ниятининг самимийлиги ва адолатидан эканлигидан бошқа ҳеч қандай омил бўлган эмас.

Ҳа, нияти пок бўлсин. Унинг ана шундай пок нияти Худога ҳам хуш келган. Унинг зафарига эса Парвардигори оламнинг ўзи мададкор бўлган.

"Куч — адолатда!" Адолатнинг кучи унга амал қилишда, ниятнинг холислигида эканига такрор-такрор имон келтирасан.

ШУКРУЛЛО

Танловга «Жамият ва мен»

ФИДОЙИЛИК ФОРМУЛАСИ

«Мен дунёни формулалар орқали кўраман. Чунки ҳамма нарсанинг ўзига хос кимёвий формуласи бор. Нафақат нарсаларни, балки воқеа — ҳодисаларни ҳам кимёвий формулаларда ифодалаш мумкин. Масалан, яхши кайфият гормони, қўрқув гормони, муҳаббат гормони...

Кундалик турмуш, зарурат ва эҳтиёжлар, мақсад сари ҳаракатлар, қўйингки ҳамма моддий ва номоддий нарса — ҳодисаларнинг формуласини излашга одатланиб қолганман. Ҳатто ки қалбимизда кечадиган энг нозик хис-туйғуларнинг, фикримиздан ўтадиган мураккаб жараёнларнинг ҳам формуласи мавжуд. Соғинч, юпанч, ҳасад ёки ҳавас формулалари, энг гўзал туйғу бўлган севги формуласи...»

Газетхонларни юқоридаги фикрлар муаллифи ва унинг ҳеч кимникига ўхшамайдиган нуқтаи назари қизиқтириб қолгани табиий. Суҳбатдошни таништирсам: кимё фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор, 280 та ихтиро ва патент муаллифи, 110 та ўқув-услубий адабиётларнинг муаллифи ва ҳаммуаллифи, 3 та монография, 8 та дарслик, 582 та илмий мақола ёзган олим, 2000 йилнинг «Энг яхши илмий раҳбари» танловида ғолиб бўлган устоз Абдуҳамид Ғофурович Маҳсумов.

Олимлар ва олимлик ҳақида гап кетар экан, биз дарров ўтмишдаги йирик алломаларни санай бошлаймиз. Аслини олганда Сизу бизнинг замондошимиз бўлган илму урфон соҳиблари, ўз асрининг етук мутахассислари, фахрлансак арзийдиган жуда кўп олимларимиз бор.

«Одам ўз танасида ишлаб чиқарадиган энергия ҳисобидан ҳаракат қилади. Ана шу ҳаракатлар комплекси яшашни таъминлайди. Хўш, ўша энергия қандай ҳосил бўлишини биламизми? Бу ёғи энди кимёвий масала: танамиздаги фосфор ҳамда спирт гуруҳининг парчаланишидан ҳосил бўладиган энергия бутун умримиз давомийлигини таъминлаб туради. Ҳам қизиқ, ҳам мўъжизавий жиҳати шундаки, кўриш, англаш, хис этиш жараёнларининг амалга ошиши баъзан оддий, баъзида мураккаб кимёвий реакциялар асосида кечиб ўтади. Бу реакциялар жуда ҳам тез муддатда амалга ошганлиги боис биз уларни сезмай қоламиз. Масалан ретинолнинг ретиналга айланиши кўзнинг кўриш имконини яратади ва ҳоказо...»

Суҳбатдошимизнинг ҳаёти ҳам, илмий фаолияти ҳам ўзига хос, ибратли, мураккаб. Чунки оддий ҳунарманд оиласида таваллуд топиб, жуда ёшлигидан мустақил яшашни ўрганиб ҳаёт давомидаги жуда кўплаб зиддиятларни енгиб, ўзи танлаган йўлдан дадиллик билан юриб, машаққатли изланишлар натижасини кўриш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. 1954 йилда талаба, 1961 йилда аспирант, 1964 йилда фан номзоди, 1985 йилда фан доктори. Эҳэҳе... булар ҳаммаси айтишга осон. Илм йўлида сарфланган йиллар, йўқни яратиш устида чеккан риёзатлар, Москвага бориб манаман деган академиклар ўртасига кириб ўз билимини ҳимоя кила олган оддий ўзбек йигитининг руҳий ҳолатини-ю ички кечинмаларини аниқ ва тўлиқ тасвирлаб бўлармикан? Албатта, йўқ. Аммо ибрат сифатида, катта тарбиявий мактаб мақомида ёш авлод бу нарсаларни билиб қўйиши керак, деб ҳисоблаймиз.

«Қушлар, ҳайвонлар, борингки ҳамма жонзотлар ўзи истеъмол қиладиган озиқ-овқатларни вақтига қараб, жойига қараб танлайди. Заҳарли ёки заҳарлилигини емайди, ажратади, бир чеккага суриб қўяди. Аммо одамлар-чи? Афсуски, ҳозир ҳам ўз организмининг индивидуал хусусияти ва имкониятларини билмаслик оқибатида турли касалликларга чалинаётган, бевақт ўлим топаётганлар кам эмас. Кимёгар сифатида айтишим зарурки, ҳар бир замонавий одам ўзи истеъмол қилаётган озиқ-овқатларнинг таркибини, яъни кимёвий формуласини аниқ билиши мақсадга мувофиқдир, Акс ҳолда...»

Ҳа, албатта, суҳбатдошимизнинг фикрларига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Катта илм ва баракали умр йўлини босиб ўтган устознинг ҳар бир сўзлари фойдали маслаҳат, бебаҳо бойлик. Қани эди уларнинг ҳаммасини билиб олишга улгурсак. Қани энди устознинг бир лаҳзагина бўш вақтлари бўлса.

Табаррук ёшга тўлган Абдуҳамид Ғофуровичнинг дарслари кўп, маърузалари бисёр. Домланинг сабоқларини тинглаётган талабаларга ҳавасимиз келади. Қани эди, домланинг тилладан-да қимматли бўлган билимини, тажрибасини, ярим аср мобайнида мисқоллаб тўплаган «дурру гавҳар»идан тўйиб баҳра олсанг, бу гўзал ва сирли оламни домланинг кўзлари билан кўра олсанг, ўткир зеҳни ва мукаммал фаросати билан идрок этиш бахти насиб этса. Қанийди...

Кимё илмининг ўткир билимдони, фан фидоийси, «Биоанорганик ва биоорганик кимё» кафедрасининг мудири бўлган Абдуҳамид Ғофурович ижодкор олим, моҳир педагог, меҳрибон устоз сифатида талабаларга, ёш ўқитувчи ва аспирантларга, малака ошириш курслари тингловчиларига кимё фанидан сабоқ бериб ўз услуби, мактаби ва мазмунли маърузалари билан ҳурматга сазовор бўлиб келмоқда. Олим дунё илмий адабиётидан ва кимё оламидаги янгиликлардан бохабар, замонавий педагогик технологияларга қизиқувчан инсон. Кафедра ходимлари билан биргаликда 110 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланма, маъруза матнлари, услубий тавсиянома ва кўрсатмалар чоп этилди. Тиббиёт олий таълим муассасалари талабалари учун биринчи бўлиб ўзбек тилида «Биоорганик кимё» дарслиги тайёрланди ва нашр этилди. Шогирдлари профессорлар А.Ж. Жўраев ва У.А Болтабоевлар билан ҳамкорликда биринчи бўлиб биоорганик кимёдан 4 тоифадаги электрон дарслик яратилди ва муаллифлик гувоҳномаси олинди.

Абдуҳамид Маҳсумов ўз педагогик фаолиятида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида содир бўлаётган туб ўзгаришларни, истиқболдаги улкан вазифаларни кенг ва чуқур англаган, таҳлил қилган ҳолда талаба ёшларни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялаш ишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Сермаҳсул олим кафедрада илмий изланиш ишларини юқори сифат ва савияда олиб боришга эришди. Бунинг натижасида синтез қилинган биологик фаол кимёвий моддалар сонини ҳозирги кунда 21000 тага етказди. Олинган кимёвий моддаларнинг биологик, физиологик ва бошқа хоссаларига эътибор қаратсак, илмий изланишларни илк бор синтези таркибида 3 боғ ва спирт гуруҳини сақлаган тўйинмаган спирт – пропаргил спирти асосида янги усуллар яратилганлиги ва адабиётларда маълум бўлмаган янги моддалар синтез қилинганлигининг гувоҳи бўламиз.

Абдуҳамид Ғофурович яратган 30 дан ортиқ биологик ва техникавий фаол моддалар тиббиётда, қишлоқ ва халқ хўжалигининг турли соҳалари амалиётида тадбиқ этилди. 2 та доривор модда «фентриазолин» ва «дихлотазор» Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги фармакологик қўмита томонидан тиббиётда фаол қўлланишга рухсат берилди.

Эллик йиллик илмий педагогик иш фаолияти давомида олимнинг раҳбарлиги остида 6 та докторлик ва 40 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Унинг раҳбарлигида талабалар илмий жамиятида шуғулланган 45 нафар талаба ўз илмий ихтиролари учун муаллифлик гувоҳномаси ва патентларига эга бўлдилар.

Ҳа, Абдуҳамид ака бир инсон қилиши мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган ишларни қила олди. Битта умр камлик қиладиган, аммо қатъий ҳаракат, тинимсиз меҳнат, изчил ғайрат ва энг муҳими – фидойилик эвазига ана шундай натижаларга эришилди.

Домладан сўраймиз: - Энг осон ва ҳозирги давр учун долзарб бўлган формулани топдингизми?

У кишининг чеҳраси жиддийлашади ва бироз маъюс тортади:

— Ҳа, топганман. Бу формула — касбга садоқат, ўзаро меҳр-мурувват, эл-юртга, муқаддас Ватанга фидойилик формуласидир!

Фан фидоийси, атоқли кимёгар олим, XX аср номдор кимёгарлари Обид Содиқов, Собир Юнусов, Зарифа Саидносирова сингари олимларнинг замондош – сафдоши Абдуҳамид Маҳсумов шу кунларда ўзининг 70 баҳорини қаршиламоқда. Биз педагог олимимизни халқимиз фаровонлиги учун, илму фан равнақи, қолаверса, оила аъзоларининг бахти учун соғ-омон юришларини тилаб қоламиз.

Махмуд САТТОРОВ,
филология фанлари номзоди, доцент
Дилмурод МУХАММАДИЕВ,
педагогика фанлари номзоди, доцент.



Сўзсиз сурат.

Мутолаа

"ҚИЗЛАР УЧУН АЖОЙИБ ТУҲФА"

Яқинда Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган китоб шундай номланади. Уни варақлар эканман, том маънода қизлар учун энг ёқимли ва фойдали совға бўлганлигига ишонч ҳосил қилдим.

"Сиз билан гўзалдир замона, қизлар" деб номланган биринчи бўлим ҳассос шоирамиз Зулфияхонимнинг "Лобар қизларга" шеъри билан очилади. Ундан Ҳамид Олимжон, Саида Зуннунова, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шавкат Раҳмон, Рауф Парфи, Турсунбой Адашбоев, Усмон Азим, Муҳаммад Юсуф, Замира Эгамбердиева, Аъзам Ўктам каби таниқли ижодкорларнинг қизларига аталган оташин мисралари ўрин олган.

Иккинчи бўлим — "Фасоҳат сабоқлари"да ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган овқатланиш одоби, меҳмон кутиш, орасталик, хушмуомалалик, телефонда суҳбатлашиш, кийиниш нафосати ҳақида фикр юритилади. Қадим Шарқда бу одатлар қизларга махсус ўргатилган.

Менга, айниқса, китобнинг "Ақл чироғи" деб номланган тўртинчи бўлими жуда ёқди. Уни ўқиб, ҳар бир қизнинг болаликдан қатъий кун тартиби бўлиши, илм масканида, умуман, жамоат жойларида ўзимизни қандай тутишимиз кераклигини, дунёда китобдан яхшироқ дўст йўқлигини ҳис қиламиз, мутолаа маданиятини ўрганамиз. "Ўзингизни биласизми?" — тест саволлари орқали феъл-атворимиз, дунёқарашимизни тафтиш қиламиз.

Китоб хотимасидаги Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг "Оппоқ эди..." деб бошланадиган шеърини мен рамзий маънода тушундим. Чунки тўплам оппоқ болалик оламидан ўсмирликнинг сирли дунёсига нигоҳ ташлаётган 12-13 ёшли ўсмир қизларга бағишланган.

Оппоқ орзуларимиз ўзимиз билан бирга улғаяди, мовий ва яшил дунёларга юз тутади. Шундай онларда янглишмаслигимиз учун бу китобни қайта-қайта ўқишимиз, ўзимизни-ўзимиз тарбиялаб, ҳаёт синовларига тайёргарлик кўришимиз зарур, деб ўйлайман.

Муаллиф Ҳулкар Ҳамроева ва муҳаррир Абдураҳмон Акбарга бизга аталган ажойиб туҳфа учун миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Умида ҲУСНИДДИНОВА,
мактаб ўқувчиси

Кузатув

СЕВГИНИНГ ҲАМ АТРИ БЎЛАДИ

Хушбўй ҳиддан завқ олиш, таъсирланиш ранглардан мутаасир бўлишдан ҳам аввал пайдо бўлган экан. Ҳатто само парвозидан ерга тушган фазогирларнинг энг аввалги кучли сезгиси — ҳид билиш экан.

Шарқ мамлакатлари, қадимги Миср, Хитой ва Ҳиндистонда илк бор хушбўй ёғлар тайёрлаб, сочлар, бадан териси учун ишлатганлар. Эллада ва қадимги Рим спортчилари анбарларни ҳидлаб-ҳидлаб турганлар, бу эса уларнинг жанговар руҳларини кўтарган. Кўҳна даврлардан буён маълумки, хушбўй ис инсон асабларига қувват берувчи мўъжизавий кучга эгадир. Ҳид билиш сезгиси ҳайвонларда ҳайратли даражада ривожланган. Ҳайвонлар касалланса ёки заҳарланса, хушбўй гиёҳларни излаб топиб ундан шифо топаркан.

Инсон ҳам ўзига хуш ёқадиган атир-анбарларни қўллаб турса, кони фойдадир. Севган гулингиз, дарахтингиз ва яхши кўрган майса-гиёҳлар ҳиди ҳам сизни тетик қилади, кайфият бахш этади.

Хушбўй сувлар, ёғлар, шампунлар доим тасарруфингизда бўлсин...

Мўмиёни ҳам дастлаб жониворлар излаб топиб, ўзини даволагани мўъжиза эмасми? Кофенинг ёқимли исини эчки ҳидлаб-ҳидлаб топиб, ундан роҳат олгани ҳақида ҳатто ривоятлар бор. Буғулар сув ичган дарёларининг ҳидини унутмайдилар. Қушлар балиқ бор кўлларни яхши биладилар (албатта, ҳид билиш орқали).

Чуғурчуқлар қурт-қумурсқалар учун зарарли кўкатларни топиб, уялари атрофини ўраб чиқади, ўз полопонлари, инларини ҳимоя қилади.

Чумолилар ўз инларини ҳид таратувчи моддалар билан белгилаб қўядилар. Баъзи бир ҳидлар ин атрофини белгиласа, бир хил ҳидли модда эса уларнинг қурилиш майдончаларини англатади. Уларда ҳатто хавфу хатар ҳидлари, ўлимни билдирувчи ислар ҳам бор экан. Касалланган чумоли ўзидан ўлим исини чиқарганда, уни ўз қавмлари, "кўмиб" қўя қоларкан...

Энди, энг қизиғи муҳаббат атри ҳақида. Баъзи гўзал, соҳибжамол аёллар унчаям кўркам бўлмаганларга қараганда нега камроқ эркакларга ёқади? Ҳар бир аёл, эркакда ҳам ўзига хос хушбўйлар таралиб тураркан. Қиёс қилинг: пилла қуртининг эркак ва урғочиси таратган муҳаббат уфори 12 км.га етар экан.

Биргина капалакдан таралган заррача муҳаббат анбари худди битта қўлни бўяшга қодир бир қатра кармин бўёққа ўхшаркан.

Хўш, ҳидлар шунчалар қудрат, мўъжизага эга экан, хонимлар, қизлар, атри муаттар бўлиб юринг, йигитлар, жаноб эркаклар муҳабат атрини асранг, деймиз!

Адҳамжон МАВЛОНОВ,
ЎзМУ Журналистика факультети 3-курс талабаси

Луқма

ЭЧКИНИНГ "ЭРИ"НИ БИЛАСИЗМИ

ёхуд анҳорнинг "ука"си нима?

Яқинда қўлимга "Ором" газетасининг 2006 йилги 7-сони тушиб қолди. Газетанинг ранг-баранглигига, дизайнига гап йўқ. Лекин... Ана шу "лекин" бўлмаганида нур устига аъло нур бўлар эди. Сканвордлардаги саволлар шунчалик ғалатики, кулишни ҳам билмайман, йиғлашни ҳам.

Эътибор беринг: Эчкининг "эри", анҳорнинг "ука"си, "Лом... демайди", "Туғувчи аёллар врачи", "Маска (ўзбекчаси)", "профсоюз (ўзбекчаси)", "Медсестра (ўзбекчаси)", "Ҳа (русча)", "Ой (тожикча)", "Мавзу (русча)"... Тавба, бу сканвордми ёки луғатми? Саволларнинг бачканалигини қарангки, ўқиб энсангиз қотади-ю, "бошқотирма" устида бошингиз қотмайди. Ишонмасангиз, яна бир саволни ўқинг. "Ойни... билан ёпиб бўлмас". Тахаллусни лақаб билан тенглаштирганларига нима дейсиз? Ўқиб кўринг-а саволни: "Мазах тахаллус". "Қулоғи... ғиллайди" деган саволга жавоб топиш қийин эмас. Нуқталар ўрнига "ғин" деган бўғинни қўйсангиз, олам гулистон.

Нега бунчалар бачканалашиб кетяпмиз? Бу йўл билан даромад қилгандан кўра бозорда ҳаммоллик қилган маъқул эмасми? Яқинда драматург Шароф Бошбеков бир телекўрсатувда шундай деган эди: "Одамни ўлдирганга жазо бор, дидни ўлдирганга-чи?".

Хуллас, "Ором"ни ўқиб ором олмадим, аксинча кайфиятим бузилди.

Ҳасан АБДУВОҲИДОВ,
Сирдарё вилояти

Изоҳга ҳожат йўқ.

Кўргазма

Республика Дизайн коллежи кўргазмалар залида таниқли мусаввир Жўра Асроннинг "Вақт ранглари" деб номланган шахсий кўргазмаси очилди. Баҳор байрамлари арафасида "Олтин Мерос" халқаро хайрия жамғармаси ва "Ҳамоҳанглик" ижодий маркази ҳомийлигида ташкил этилган ушбу тадбир илк кўклам кунлари таваллуд айёми нишонланаётган буюк мутафаккир Хўжа Аҳрор Валийга бағишланган бўлиб, тадбир давомида улуғ олим таълимоти тўғрисида семинар ва мунозаралар ўтказиш ҳам режалаштирилган.

"ВАҚТНИНГ ТУРФА РАНГЛАРИ"

Жўра Асрон — Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси. Ушбу жаҳонгашта рассомнинг асарларидан ҳаёт манзаралари, инсоннинг руҳияти, табиатнинг бир қарашда инсон кўзи илғамайдиган гўзал ва бетакрор нафаси уфуриб туради. Халқимизнинг буюк мероси, ўтмиши рассом асарларида авлодларини аждодлари руҳлари билан боғлаб турувчи муқаддас ришта, буюк восита сифатида намоён бўлиб, оламни теран англашга ундайди.

Хўжа Аҳрор Валий, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал - Бухорий каби улуғ аждодларимизнинг сиймоларини акс эттирган Жўра Асрон замондошларимиз қиёфасини яратганда ҳам тарихий буюклик ҳиссини ўз асарларига сингдирган.

Германия, Австрия, Венгрия, Руминия, Болгария, Туркия ва Эрон давлатларида бўлиб ўтган қатор кўргазмалари муваффақият қозонган рассом ижодида янги мавзулар, йўналишлар кўзга ташланмоқда. Кўргазма мусаввир ижодининг янги қирралари, акс этган асарлар мажмуаси бўлгани билан ўзига хосдир.

Ушбу кўргазма ўн кун намойиш этилиб, унда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти ўқув юртлари устоз ва талабалари ҳамда санъатсеварлар иштирокида бир неча семинарлар ўтказиш ҳам режалаштирилган. Очилиш маросимида Республика дизайн коллежи устоз ва талабаларининг қадимий ҳамда замонавий ўзбек либослари янги моделлари намойиши ҳам бўлиб ўтди.

"Meros-News" ахборот хизмати

Ўзингни англаб ет! Mustaqil gazeta HURRIYAT
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91. Тел: 135-39-01, 41-52-72
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ
Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон КЎЧКОР, Шерзод ҒУЛОМОВ
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.
Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233
Газетада чоп этилган мақолалардаги фактлар учун муаллиф жавобгар
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Бунёд АБДУЛЛАЕВ
Ⓡ — тижорат белгиси.
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 555
Т: 3672
1 2 3 4 5 6
Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.